

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

Худаеберганов Бобур Құдратович

**Халқаро стандартларга мувоғиқ бўлган озиқ-овқат
махсулотларини ишлаб чиқиш.**

Битирув малакавий иши

**Илмий раҳбар:
ассистент Саматов А.А**

Тошкент – 2017 йил

М У Н Д А Р И Ж А

Кириш	3
I-БОБ	Озиқ-овқат маҳсулотларини умумий қоидалари
1.1.	Озиқ-овқат маҳсулотларини текширишнинг умумий усувлари.....	6
1.2.	Кишлоқ хужалик маҳсулотини стандартлаш хусусиятлари.....	8
1.3	Озиқ-овқат маҳсулотларини текширишнинг мақсад ва вазифалари.....	9
II-БОБ	Озиқ-овқат корхоналарида ишлатиладиган норматив техник хужжатлар 13
2.1.	Халқаро стандартлар асосида сифатни бошқариш.....	13
2.2.	Озиқ-овқат маҳсулотларни сифати ва хавфсизлигини оширишда сертификатлаштириш идоралари фаолияти ва натижаларини расмийлаштириш.....	16
2.3.	Озиқ-овқат маҳсулотларни сифати ва хавфсизлиги кўрсаткичларини синовларидан ўткази.....	21
III-БОБ	Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги 25
3.1.	Сифатни меъёrlаштиришда стандартлаштириш тизими.....	25
3.2.	Халкаро, минтақавий, давлатлараро, миллий стандартни корхона микёсида қўлланилиши..... ХФХ қисми..... Иқтисодий қисм.....	30 33 42
Хулоса	47
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	53

КИРИШ

Мавзунинг долзарбилиги. Республика мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб, мамлакатимиз ҳукумати томонидан аҳолини ўзимида етиширилаётган озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини тўла қондириш борасида комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, уларни амалиётга тадбиқ этиш бошланди.

Мамлакатимиз йилдан-йилга жаҳон ҳамжамиятида тенглар ичра тенг бўлиб, тараққиётнинг ўзи танлаган йўлидан асосий мақсадимиз – инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари юксак қадрият ҳисобланувчи, ижтимоий йўналтирилган бозор иктисодиётига асосланган демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантириш ва тараққий эттириш сари дадил одимлар билан ривожланиб бормоқда. Иқтисодиётимизнинг турли соҳа ва тармоқлари ўртасидаги мутаносибликтининг кучайиши ҳамда барқарор ўсиш суръатларининг таъминланиши натижасида аҳоли даромадларининг ошиши, турмуш даражасининг сезиларли равишда ўсиши эртанги кунга бўлган ишончнинг тобора мустаҳкамланиб боришига замин яратмоқда.

Мамлакатимизда кейинги йилларда мева, узум ва сабзавот маҳсулотларини етиширишни ривожлантириш ва ялпи ҳосилни кескин даражада ошириш мўлжаллангандир. Шунинг билан бирга етиширилган маҳсулотларни исроф бўлишига ва нобудгарчиликка йўл қўймаслик ҳамда қўшимча даромад олиш учун уларни қайта ишлаб, сифатли, рақобатбардош консерва, шарбат ҳамда қуритилган маҳсулотлар тайёрлашни кенг йўлга қўйиш ва ўз навбатида уларни экспорт қилиш ҳажмини ошириш муҳим ва долзарб масалалардандир. Маълумки бу соҳани жиддий ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазлар Маҳкамасининг 2017 йил 14 январда бўлиб ўтган 1-сонли йигилиш баёнинг 53-банди ижросини таъминлаш мақсадида, Республика меъёрий хужжатлар Давлат фондида озиқ-овқат маҳсулотларига мавжуд меъёрий хужжатлар таҳлили ўtkазилди. Натижада, калбаса

маҳсулотлариға таллуқли бўлган 15дона (Tsh) техникавий шартлар ва 11дона (Ts) ташкилот стандартлари ҳозирда амалдалиги аниқланди. Бундан кўриш мумкинки, ҳозрги кунда озиқ-овқат маҳсулотлари стандартига жуда катта эътибор берилмоқда.

Юқорида қайд этилган фармон ва қарорларни оқилона амалга ошириш ҳамда ватанимизда мева-сабзавотчилик ва узумчиликни ва кансерва маҳсулотларини янада ривожлантириш, шунинг билан бирга мева-сабзавотларни қайта ишлаб сифатли, рақобатбардош маҳсулотлар тайёрлашда фермерларимиз муҳим ўрин тутадилар.

Сабзавотчилик, хусусан помидор экинларидан мўл ҳосил етиштириш ва уларни қайта ишлаб турли маҳсулотлар тайёрлаш мамлакатимиз озиқ –овқат санаотида муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлган соҳалардан бири ҳисобланади. Хар бир маҳсулот стандарт асосида ишлаб чиқилган бўлиши шарт **Стандарт нима?** Стандарт – деб стандартланадиган обектга нисбатан қўйилган талаблар, нормалар ва қоидалар комплексини кўрсатадиган ва тегишли ташкилот томонидан тасдиқланган норматив – техник хужжатга айтилади. Демак, стандарт бу бир нарсани ҳар томонлама таърифлаб берадиган хужжат, сўз билан ифодаланган тасвир намуна экан. Консерваланган маҳсулотга нисбатан стандартни маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш жараёнида истеъмол қийматини солишириб туриш учун этalon вазифасини ўтайдиган норматив – техник хужжат деб таърифлаш мумкин. Норматив – техник хужжат эса маҳсулот таркибини, тузулишини, сифат ва морфологик, органолептик кўрсаткичларини нормативлаштирадиган расмий нашрdir.

Ўзбекистон ресбуликасининг маҳсулотлар ва хизматлар сертификатлаштириш тўғрисидаги қонун 28 декабр 1993 йил қабул қилинган. Бу қонуннинг асосий мақсади ва вазифалари шундан иборатки: одамнинг ҳаёти, соғлиги, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулки ҳамда атроф-муҳит учун хавфсиз бўлган маҳсулотларни реализасия қилишни назорат этиб бориш шу билан бирга маҳсулотларни жаҳон бозорида рақобат қила олишини

таъминлаш. Шунингдек истеъмолни тайёрловчининг (сотувчининг ёки ижрочининг) виждансизлигидан ҳимоя қилиш сертификатлаштириш мақсадларида амалга оширилади. Вилоятларда эса – Регонал стандартлаш - метрология ва сертификация маркази. Юқорида қайд этилган холда Халқаро стандартларга мувофиқ бўлган озиқ-овқат махсулотларини ишлаб чиқиш бозор ва дўконларимизда сифатли озиқ-овқат билан тамиланади.

Битирув малакавий ишининг мақсади ва вазифалари.

Битирув малакавий ишининг мақсади -Халқаро стандартларга мувофиқ бўлган озиқ-овқат махсулотларини ишлаб чиқиш,хамда Махсулот сифатини ошириш, Халқаро стандартларга мувофиқ бўлган озиқ-овқат махсулотларини ишлаб чиқиш, бу қуйдаги босқичардан иборат:

- *Халқаро стандартлар асосида сифатни бошқарии тизимларини жорий этиши;*
- *Етарли даражадаги ҳимоя воситалари мавжуудлигини таминлаш.*
- *Истеъмолчини таклифларини ҳисобга олиши.*
- *Муқаррар талабларга амал қилиши*
- *Ташқи муҳитнинг муҳофазасини таъминлаш*
- *Тежсамкорлик ресурсларини таъминлаш;*
- *Назорат усуллари бирлигини таъминлаш;*
- *Тамғалаш.*
- *Махсулотнинг қадоғига этибор берииш*
- *Махсулотларнинг сақланиши мудатларига эътибор берииш.*

I-БОБ

ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИНИ УМУМИЙ ҚОИДАЛАРИ.

1.1 Озиқ-овқат маҳсулотларини текширишнинг умумий усуслари

Ҳозирги кунда Республика ҳалқ хўжалигининг барча соҳаларида саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг умумдавлат таснифи жорий этилган.

Тармоқлар стандарти стандартларни бўлимларга ажратиб таснифлаш асосида ҳисобланади. Унга таснифловчи индекс берилади, у алифбонинг бош ҳарфи билан белгиланади. Масалан, қишлоқ ва ўрмон хўжалигига « С » индекси озиқ-овқат ва таъм билиш бўйича « Н » индекси берилади. Бўлимлар 98синфга, ҳар бир синф – 10 кичик синф, ҳар бир кичик синф – 10 гурӯхга , ҳар бир гурӯх – 10 кичик гурӯхга, ҳар бир кичик гурӯх- 10 турга ажратилган бўлади.

Умумдавлат таснифига кўра озиқ-овқат саноатининг маҳсулоти 91 синфга , балик, сут, ёг, пишлоқ, ун-ёрма 92 синфга , дехқончилик маҳсулотлари 97 синфга , чорвачилик маҳсулотлари 98 синфга киритилган. Ҳарфли индекс стандартнинг тармоқга тегишлилигини қўрсатади.

Маҳсулотнинг табиий сифат белгиларига кўра гурӯхларга йуналтирилган тур ва кичик турларга ажратиб таснифлаш унинг ботаник ва биологик белгилари, технологик хусусиятлари билан истеъмол қиймати боғлиқлигини яхширок ифода этади. Баъзи стандартларда сифатнинг турли курсатгичлари классларга бириктирилган бўлади.

Биринчи классга кирувчи барча курсатгичлар бўйича энг яхши сифат меъёрларга эга маҳсулотлар киритилади. Стандартларда маҳсулотларга ҳам тегишлича ўрин берилган бўлиб, улар ўта паст кўрсатгичларга эга эканлиги таърифланади.

Стандартнинг йўналишига кўра, унда сифатнинг асосий (базис) ва сўнгги (чекловчи) меъерлари кўрсатилган бўлиши мумкин.

Стандартлар муайян маҳсулотни баҳолашда қўлланиладиган сифат синовлари услублари тўғрисидаги, шунингдек , уни сақлаш ва ташиш шартлари тўғрисидаги кичик бўлимлар (хаволалар) кўринишида якунланилади.

Стандартлашда сифатни баҳолаш услублари стандарти алоҳида ўринни эгаллайди. Товарлар сифатини меъёrlаш бу сифатни белгилашнинг стандарт услубларини ҳам талаб қиласди.

Чунки хом-ашё ва тайёр маҳсулотни баҳолаш уларни истеъмолчи томон ҳаракатинин турли босқичларида амалга оширилади, товарни у ёки бу сифат гурухига киришида хатога йўл қўймаслик борасида ҳамда тегишли ҳисоб-китобларни амалга оширишда стандартлашнинг сифатни баҳолаш услублари кўзда тутилади.(1.1-расм)

Стандарт хужжатларининг бетида классификация системаси бўйича группанинг белгиси кўрсатилади.

Давлат стандартлари ГОСТ-индекси, регистрацион рақами ва тасдиқланган йилини ифодаловчи ракамдан иборат.

Қайта кўриб чиқилган ҳамма категориядаги стандарт хужжатларининг 1-бетида уларнинг белгиси ва улардан олдин бўлган стандарт белгилари ҳам кўрсатилади. Баъзида стандарт рақами олдида юлдузча қўйилади. Бу стандартга ўзгариш киритилганлигини билдиради.

Экспорт қилинадиган маҳсулотларга қўйдаги хужжатлар бўлиши шарт:

1. Факат экспорт қилинадиган маҳсулотларга қўйиладиган талабларни белгилайдиган стандартлар.
2. Ҳалқ хўжалиги эҳтиёжларини таъминлайдиган, ҳам экспортни таъминлайдиган маълум маҳсулотга қўйиладиган ягона умумий талабларни белгилайдиган стандартлар.
3. Ички бозор учун етиширилган, ташқи бозор учун рақобатини таъминлайдиган сифат кўрсатгичли маҳсулотларга қўйиладиган стандартларга қушимчалар.

Экспортга юбориладиган маҳсулотлар стандартининг номини унинг экспорт учунлиги кўрсатилади.



(1.1-расм)

1.2 Қишлоқ хужалик маҳсулотини стандартлаш хусусиятлари.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг стандартлари илмий асосланган сифат меъёрига эга бўлиши лозим Стандарт сифат меъёрлари пасайтирилган ҳолатда маҳсулот сифатини оширишни рағбатлантиrmайди. Синовларнинг ишонарли ва оператив усулларининг йўқлиги маҳсулотнинг хақиқий сифатини баҳолаш имконини бермайди, шунинг учун стандартларни ишлаб чиқишда ўсимлик маҳсулотига хос бўлган барча хусусиятлар хисобга олиниши даркор.

Стандартлашнинг биологик обьектларида тегишли қишлоқ хўжаликлари маҳсулотлари учун ўзаро боғланган икки хусусият – ирсият ва ўзгарувчанлик хосдир. Бу хусусиятлар дехқончилик маҳсулоти сифатига ягона талабни белгилашни қийинлаштиради. Маҳсулот сифати ундан фойдаланиш йўналишларига кўра ҳам табакаланиши даркор. Айни бир маҳсулотнинг сифат курсатгичлари ундан бир мақсадда фойдаланилганда юқори деб, бошқа

мақсадда фойдаланилганда эса паст деб топилиши мумкин. Масалан, пахта чигити таркибидаги ёғнинг кўп бўлиши уни ем-хашак, маҳсулот тарзидаги қиммати ва сифатини оширади. Стандартлар барча мойли экинлар уруғида канакунжут бўлишига йўл қўймайди, чунки унинг таркибида захарли моддалар (альбуминрицин ва рицинин) бўлиб, улар мой ажратиб олингандан сўнг кунжарада колади.

Пахта чигити навини аниқлашда, шунингдек, унинг намлиги, ифлослиги тўлиқ тўқланганлиги ҳам ҳисобга олинади. Тўқланганлик деганда чигитнинг қайта ишланганлигидан сўнг унда қолган тола ва тўқларнинг фоизлардаги таркиби тушунилади. Тўқланганлик бўйича меъёрлар чигитли пахтанинг навлари ва биологик турлари (ўртacha толали, ингичка толали бўйича табакалаштирилган тарзда белгиланилади ва ҳар бир тур муайян типдаги навлар гурухларга бўлинади, шунингдек, пахтанинг ўртacha толали навларининг неча марта линтерланишига ҳам боғлиқ бўлади).

1.3 Озиқ-овқат маҳсулотларини текширишнинг мақсад ва вазифалари.

Озиқ овқат маҳсулотларини текширишнинг бир неча усулари мавжуд. Хозрги кунда кенг тарқалган усусларидан бири физиковий усулидир: ўлчаш (массани, оғирликни, узунликни ва х.к) иситиш қиздириш совутиш фильтрлаш в.к.

Маҳсулот оғирлиги тарозилар ёрдамида аниқланади. Тажриба дарсларида асосан техник кимёвий тарозилар ишлатилади. Тажриба дарсларини иситиш усулидан фойдаланганда иситиш анжомлари ишлатилади. Буларга: сув ҳаммоли, электр ўчоги, газ ўчоги, спирт лампаси, қуритиш шкафлари, термостатлар, муфел ўчоги киради. Маҳсулот намлигини аниқлаш маҳсулотни сақлашда муҳим аҳамиятга эга. Намликни ўлчашнинг бир неча усуллари мавжуд. Буларга: қуритиш иссиқлик таъсирида сувнинг буғланиши усули.

Тез усулда қуритиш: қуритиш шкафида 130⁰Сда 40 минут олиб борилади. Бу усулда намлик тез аниқланади лекин аниқлиги камроқ, чунки юқори температурада асосий маҳсулотда оксидланиш бўлади. Бу ерда учувчи кислоталар спиртлар пайдо бўлади булар намлик билан бирга йўқолади.

Инфрақизил нурлар билан қуритиш усули. Бу шунга асосланганки юқори намлики материаллар инфрақизил нурларни ютиш қобилияти кучли бўлади. Бу нурлар маҳсулотнинг ичкарисига кириб сув буғларини ютади бунда булар қизийди ва буғланади. Бунда Чижов аппарати ишлатилади.

Электротермик усул пиво ишлаб чиқаришда донни заводларга қабул қилиб олишда ишлатилади.

Текширишнинг кимёвий усуллари. Шакар миқдори стандарт бўйича ГОСТ 8756. 13 95 перманганат усули билан аниқланади(Бертрен усули). Бу усулда фелинг И (мис сульфатининг эритмаси СуСО) ва фелинг ИИ (узум кислотаси калий ва натрийли тўзининг туйинган натрий миқдоридаги эритмаси) қўшилади. Натижада 2 валентли мис узум кислотасидаги “натрий ва калий” ўрнини олади. Бу эритма инверт шакар билан реакцияга кириб, у ердаги альдегид ёки кетон гурухлари икки валентли мисни қайтариб, бир валентли мисга айлантирилади охирги маҳсулот перганометрик усулда аниқланади. Техник синаганда листларнинг қалинлиги ўлчанади ва яхшилаб кўриб чиқилади. Листларнинг қалинлиги микрометр билан 0 01 мм аниқликда улчанади. Темирнинг моҳиятига ва идишларнинг ўлчамларига қараб стандарт темирнинг тартиби танланади. Қалинлиги стандарт бўлмаган темирни ишлатганда банкалар деформацияга учрайди, бу маҳсулотнинг бузилишига олиб келади. Листларнинг ўлчамлари стандарт талабига жавоб бериши керак. Идишлар учун темир ёки қопкоқ учун лак қилиш мумкин. Бир томон ёки икки томондан стандартларнинг маҳсус талабига кўра. Темирни механик синаш, унинг эластиклиги, мустахкамлигини аниқлашга олиб келади. Бу эса ўз навбатида герметик идишни очишига олиб келади. Ускунада темир механик синалади. Темирни техник ва механик текширгандан кейин, консерва идиш

тайёрлаш учун кимёвий анализ қилинади. Темир юзасидаги рух миқдори аниқланади. Рух миқдори ядометрик усул билан аниқланади. Рухнинг миқдори 200 см юзада (ёки 100м листда) 1 синфли темирда – 0,39 – 0,45, 2 – 0,28 – 0,38, 3 – 0,23 – 0,27 г бўлиши керак.

Темирни стандарт талабига жавоб беришини қўрғошиннинг миқдорига қараб, яъни 0,04 % дан ошмаслиги керак. Бунинг учун қўрғошин бошқа металлардан ажратилади. Қўрғошин миқдори калориметрик усул билан аниқланади. Консерваларни узоқ сақлаш идишларнинг кафолатли беркитилганлигига боғлиқ. Бўш ва тўлиқ идишларни кафолатли беркитилганлигини тажрибада синаш учун Бомбаго аппарати ишлатилади. Металлдан ва шишадан тайёрланган идишларнинг кафолатли беркитилганлигини аниқлаш ГОСТ 8756.18-95 да ёзилган.

Консерва ишлаб чиқаришда ишлатиладиган шиша идишлар, кимёвий ва термик мустаҳкам, деффектлари бўлмаслиги, ГОСТ 5717-95 талабларига жавоб бериши керак. Бу стандартда кўриниши, ўлчамлари, оғирлиги, техник шартлари ва қабул қилиш қоидалари кўрсатилган. Ўлчамлари, формаси, идишнинг диаметри, баландлиги, оғзи маҳсус ўлчов жиҳозлари орқали ўлчанади.

Шишли идишларнинг термик мустаҳкамлигини аниқлаш учун 40, 100, 60 $^{\circ}$ С сувга 5 минут солинади. ГОСТ 17733-98 да аниқ усул ёзилган бўлиб, бунга кўра синалаётган шиша идишлар 30 минут 18 $^{\circ}$ С да қуритиш шкафига жойлаштирилади. Техник талабларга кўра синалган идишлар қуритиш шкафида 30 минут сақланади: кейин идишлар 20 $^{\circ}$ С сувли резервуарга солинади ва у ерда камида 1 минут сақланади. Идишлар синалгандан кейин сувдан олиб текширилади. Синашни ушлаган идишлар ёрилмайди, уларнинг сони куйидагича аниқланади:

A*100

X= -----

A

Бунда:

А – синашни сақлаган идишлар;

А – синашга қўйилган идишлар сони.

Маълум кўринишдаги идишларга ГОСТ лар ўрнатилади. Шиша идишларнинг кимёвий мустаҳкамлигини аниқлаш учун 24 соат 10 % ли сирка кислотасида 40 0С температурада жойлаштирилади. Шиша идишларнинг ичкари босимга қаршилиги гидравлик ёки ричагли пресс орқали текширилади. Девор қалинлиги махсус электромагнит ёки индикаторли жиҳозлар орқали ўлчанади. Ювиш сифатини текширувчи текширади. У шиша синиқлари ювилган идишдаги хлорнинг миқдорини сувда, сувдаги температура ва босимни текшириб туради. Шишалар беркитгичлари ташқаридан текширилади, яъни герметик ва критик босим орқали текширилади. 2015 — 2020 йиллар даврида Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг соғлом овқатланишини таъминлаш Концепцияси ва чора-тадбирлар комплекси қуйидаги устувор вазифаларни ҳал этишга йўналтирилган:

нооқилона овқатланиш билан боғлиқ касалликларнинг олдини олиш ва улар тарқалиши даражасини пасайтириш, аҳоли соғлом турмуш тарзининг асоси сифатида соғлом овқатланишга доир кенг тушунтириш ишлари олиб борилишини ташкил этиш ва шу жумладан оммавий ахборот воситаларидан фаол фойдаланган ҳолда соғлом овқатланишни тарғиб қилишни кучайтириш;

таълим ва тиббиёт муассасаларида овқатланишни ташкил этиш тизимини янада тартибга солиш мақсадида норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, ташкил этилган болалар жамоалари овқатланиши рационини яхшилаш, Ўзбекистон Республикаси худудида ишлаб чиқариладиган ва чет элдан етказиб бериладиган озиқ-овқат маҳсулотлари ва озиқ-овқат хом ашёси сифатини назорат қилишнинг таъсирчан механизmlарини жорий этиш;

озиқ-овқат маҳсулотларини мамлакатимизда ишлаб чиқаришни, айниқса муҳим микронутриентлар билан бойитилган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни рағбатлантириш йўли билан аҳолининг соғлом овқатланишга бўлган эҳтиёжларини қондиришни таъминлайдиган шарт-шароитлар яратиш, маҳаллий

хом ашё асосида озиқ-овқат маҳсулотлари яратиш, аҳоли орасида соғлом овқатланиш принциплари жорий этилишига кўмаклашадиган муҳитни шакллантириш;

Аҳолининг турли гурухлари орасида овқатланиш рационини ва овқатланиш билан боғлиқ касалликлар ривожланишининг сабабларини ўрганишга йўналтирилган соғлом овқатланиш ва диетология соҳасида фундаментал илмий тадқиқотларни устувор амалга ошириш.

Вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари:

2015 — 2020 йиллар даврида Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар комплекси тўлиқ, ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини ташкил этсинлар;

2015 — 2020 йиллар даврида Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар комплексига киритилган тадбирлар амалга оширилиши тўғрисидаги ҳисботларни Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг соғлом овқатланиши соҳасидаги чора-тадбирлар комплекси амалга оширилишини ташкил этиш ва назорат қилиш бўйича республика комиссиясига чораклик асосида тақдим этсинлар.

Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг соғлом овқатланиши соҳасидаги чора-тадбирлар комплекси амалга оширилишини ташкил этиш ва назорат қилиш бўйича республика комиссияси 2015 — 2020 йиллар даврида Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш бўйича вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотларнинг фаолияти мувофиқлаштирилишини таъминлаш, тадбирлар тўлиқ, ўз вақтида ва сифатли бажарилиши устидан тизимли назорат олиб борилмоқда. Мева-сабзавот маҳсулотларининг 2025 йилга қадар зарур ҳажмда мавжуд бўлишини таъминлаш учун ҳосилдорликни 47% ошириш ҳамда ва уларнинг экин майдонларини 20 фоизга кўпайтириш талаб этилади.

П-БОБ
**ОЗИҚ-ОВҚАТ КОРХОНАЛАРИДА ИШЛАТИЛАДИГАН
НОРМАТИВ ТЕХНИК ҲУЖЖАТЛАР.**

2.1 Халқаро стандартлар асосида сифатни бошқариш

Халқаро стандартлар асосида сифатни бошқариш тизимларини жорий этиш бўйича бир қанча қонуности ва норматив ҳужжатлар қабул қилинди. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг **2004-йил 22- июлдаги** «Корхоналарда халқаро стандартларга мувофиқ бўлган сифатни бошқариш тизимларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2012-йил 19-июндаги «Республика корхоналарида халқаро стандартларга мувофиқ бўлган сифатни бошқариш тизимларини жорий этишни кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳамда Президентимизнинг 2015-йил 26-мартдаги «Експорт қилувчи корхоналарни рафбатлантиришни кучайтириш ва рақобатбардош маҳсулотларни экспортга етказиб беришни кенгайтириш борасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ҳам мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг дунё бозорида рақобатбардошлигини оширишга қаратилгандир. Юртимизда ишлаб чиқарилаётган ва сифат жиҳатидан дунёning етакчи компаниялари товарлари билан bemalol рақобатлаша оладиган маҳсулотларимиз жаҳоннинг 100 дан ортиқ давлатларига экспорт қилинаётгани фикримиз исботидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни **“2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришининг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишилари”**га бағищланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида йил якунлари бўйича муҳум кўрсатгичлар берилди, бунга кўра;

- ялпи ички маҳсулот 7,8 фоизга,
- саноат маҳсулоти ҳажмлари – 6,6 фоизга,

- курилиш-пудрат ишлари – 12,5 фоизга,
- чакана савдо айланмаси – 14,4 фоизга,
- хизматлар – 12,5 фоизга ўсди.
- Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,1 фоиз миқдорида профицит билан ижро этилди.

Инфляция даражаси прогноз параметрларидан ошмади ва 5,7 фоизни ташкил этди.

- Иқтисодиётга 16,6 миллиард АҚШ доллари миқдорида ёки 2015 йилга нисбатан 9,6 фоизга кўп инвестициялар йўналтирилди.
- Ўзлаштирилган хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳажми 11,3 фоизга ўсди ва 3,7 миллиард доллардан ошиб кетди.
- Умумий қиймати 5,2 миллиард доллар бўлган 164 та йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш якунланди.
- Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш ҳажмлари 6,6 фоизга, жумладан, мева- сабзавот – 11,2 фоизга, картошка – 9,7 фоизга, сабзавот маҳсулотлари етиштириш 10,4 фоизга ўсиши таъминланди.

Бу кўрсатгичлар шуни билдирадики, ишлаб чиқарилган маҳсулотлар фоизи ошишида стандартларни ўрни бекиёсdir. Ушбу ютуқларда «Ўзстандарт» агентлиги ва унинг қуи бўғинлардаги идораларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Биргина ўлчов воситаларини тайёрлаш, сотиш ва ижарага бериш фаолиятини литсензиялаш, ўлчов воситаларини таъмирлаш фаолиятини аккредитатсия қилиш, метрологик таъминот тўғрисидаги хulosаларни бериш тартиби бекор қилиниши эвазига вилоятда шу йўналишда фаолият олиб бораётган тадбиркорлик субектларининг тегишли литсензия ва рухсатномаларсиз ишлашлари учун имконият яратилди. Бундан ташқари, стандартлаштириш соҳасидаги тегишли меъёрий-хуқукий ҳужжатларга ўзгартиришлар киритилиши натижасида ҳужжатларни экспертизадан ўтказиш муддатлари 15 кундан 10 кунгача, давлат рўйхатидан ўтказиш 5 кундан 3 кунгача кисқартирилди. Мажбурий стандартлар тоифалари ҳам 9 тадан 4 тагача

камайтирилди. Бундан кўзда тутилган асосий мақсад — Республикаизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини янада яхшилашга эришис .

2015-йилда вилоятимизда 54 корхонага сифатни бошқариш тизимлари жорий этилди. Бу 2012-йилга нисбатан 2,5 баробарга кўпdir. Жорий йилда сифат инфра тузилмасини ривожлантириш дастури доирасида яна 36 корхонада сифатни бошқариш тизимларини жорий этиш режалаштирилган. Ушбу хўжалик юритувчи субектларнинг барчаси билан шартномалар имзоланган бўлиб, бугунги кунда 24 корхонада халқаро стандарт ИСО 9001 сифат тизими жорий қилинди ва сертификатлаштириш идораси томонидан сертификатланди. Ўзбекистонда янги O’zDSt ISO 500001:2011 рақамли «Енергетика бошқарув тизими. Ундан фойдаланишни бошқариш талаблари» стандарти ишлаб чиқилди. **Мазкур стандарт 2015-2019-йилларда** энергия истеъмолини камайтириш, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда энергияни тежовчи технологияларни жорий қилиш бўйича чора-тадбирлар дастури доирасида ишлаб чиқилган. **Ўзбекистоннинг озиқ-овқат ишлаб чиқариш корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқариш 6,2%га ўси**ди Ўзбекистоннинг озиқ-овқат корхоналари жорий йилнинг январ-март ойларида 1688,1 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди , бу ўтган йилнинг мазкур даврига нисбатан 106,2 % ни ташкил этди. Республикаининг озиқ-овқат саноати қатъий ривожланиб бориши жараёни ўтган йилги кўрсаткичлардан ошиб кетишга имкон берди. Бундай натижага қуйидаги истеъмол товарлари турлари бўйича эришилди: сут ва сут маҳсулотлари (158,9%, 2012 йилнинг январ-март ойларига нисбатан.), сарёғ (144,2%), ўсимлик ёғи (122,3 %), нон ва нон маҳсулотлари (118,2 %), маргарин маҳсулотлари (111,4 %), хўжалик совуни(105,1%) . Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016-йил 5-октябрдаги «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар» тўғрисидаги ПФ-4848-сонли фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016-йил 12-апрелдаги №2520 сонли

«Мева-сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотларини харид қилиш ва улардан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2016-йил 15-июндаги “Янги ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги №207-сонли қарорлари ижросини таъминлаш, синовлар ўtkазишни янада ривожлантириш, дунё стандартлари даражасига олиб чиқиш ва лаборатория томонидан бажариб келаётган синовларни ва синов баённомаларини дунёning барча мамлакатларида сўзсиз тан олинишини таъминлаш мақсадида “Ўзстандарт” агентлиги томонидан “СГС Ташкент Лтд.” Хорижий корхонаси билан ҳамкорлик йўлга қўйилди. 2016 йилда 32 минга яқин ёки 2015 йилга нисбатан 18 фоизга кўп кичик бизнес субъектлари ташкил қилинишига туртки бўлди. Кичик бизнеснинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги ҳиссаси 56,9 фоизгача, саноатда эса 45 фоизгача ошди. Буни наижасида 726 минг нафарга яқин аҳолининг, шу жумладан, 438,5 минг коллеж битирувчисининг бандлиги таъминланди.

2.2 Озиқ-овқат маҳсулотларни сифати ва хавфсизлигини оширишда сертификатлаштириш идоралари фаолияти ва натижаларини расмийлаштириш

Маҳсулотлар сифати ва хавфсизлиги кўрсаткичлари бўйича сертификатлаштириш “Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида”ги ва “Маҳсулот ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида”ги қонунларга биноан Адлия вазирлигига рўйхатга олинган қоидаларга кўра сертификатланади. Хавфсизлик кўрсаткичлари бўйича сертификатлаштириш мувофиқлик сертификатини бериш ва умумий сертификатлаштириш тартиби ўхшаш тарзда амалга оширилади.

1. Сертификатлаштиришга ариза.
2. Сертификатлаштириш бўйича қарор қабул қилиш.
3. Сертификатлаштириш объектини мувафиқлигини ўрнатилган талаблар билан

баҳолаш

4. Мувофиқликни баҳолаш натижаларини таҳлили ва уни расмийлаштириш.

5. Сертификатлаштириш обьекти устидан инспекция назорат.

Стандарт талабларига ва техник регламент талабларига мувофиқлик сертификатлари ўрнатилган тартибда расмийлаштирилади. Техник регламентга мувофиқлик сертификати – бу маҳсулотни техник регламентга мувофиқлигини тасдиқловчи расмий хужжатдир.

Мажбурий тартибда техник регламентга мувофиқлик сертификати расмийлаштирилиб, маҳсулотни тайёрлаш, сақлаш, ташиш, реализация қилиш, йўқ қилиш ҳамда эксплуатация ва монтаж жараёнлари бўйича ўрнатилган қоидаларда қўлланилади.

Техник регламентга мувофиқлик сертификати сифатга мувофиқлик сертификатидан фарқли жиҳатлари мавжуддир. Бу ҳужжат алоҳида мажбурий талабларга ва тавсифларга мувофиқлиги учун алоҳида сертификат бланкларида берилиши кўзда тутилган.

Мажбурий сертификатлаштиришда турган маҳсулотлар рўйхатида маҳсулот бўлса, техник регламентлар талабларига ҳам мувофиқ сертификатлаштириш лозим бўлади. Сертификатлаштириш идорасида сертификатларни расмийлаштириш тартиби 3.3-расмда келтирилган.

Бир турдаги маҳсулотларни сертификатлаштириш тартиби «Ўзстандарт» агентлиги томонидан ишлаб чиқилиб, Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигига сертификатлаштиришнинг тегишли қоидалари сифатида рўйхатдан ўтказилган.

«Маҳсулотларни сертификатлаш қоидалари»да кўрсатилганидек сертификатлаштирилган маҳсулотларга кўшимчалар ёки ўзгартиришлар киритилиши давомида илгари текширилган хавфсизлик бўйича маҳсулот тавсифига салбий таъсир этмайдиган бўлса, янги чиқарилаётган маҳсулотта кўшимча сертификатлаштириш ўтказилиши талаб этилмайди. Маҳсулот сертификатлаштирилиши учун талаб этиладиган хавфсизлик мажбурий

тавсифлари стандартлаштириш бўйича тегишли меъёрий ҳужжатларда белгиланади.



Махсулот сифатини ташкил топиши, унинг хамма хаётий боскичларида - тадқикот ва лойихалаш ишларида; ишлаб чиқаришда муомалада; истеъмолда ёки ишлатишида номоён булади. Тадқикот ва лойихалаш ишлари махсулотнинг сифатини оширилишида белгиловчи уринни эгаллайди. Бу боскич сифатни ташкил топишининг бошланиши хисобланиб, бунга илмий-техника тараккиётининг кулланилиши натижасида, хамда меъёрий ҳужжатларни махсулот ишлаб чиқариш учун уни муомалада, истеъмолга ёки ишлатилишига белгиланган иктисадий курсаткичларига риоя килган холда тайёрлаш натижасида эришилади.

Маълумки, маркетинг тадқикотларида махсулотни сифатини таъминлаш зарур таркибий кисм хисобланади, стандартлаш эса сифатни бошқаришнинг воситаларидан бири хисобланади. Шу сабабли стандартлаш масалаларини

сифатини бошқариш ва маркетинг алоҳида холатда урганиш максадга мувоғик эмас. Хорижий фирмаларнинг амалиёти шуни курсатадики, купинча юкори техник даражадаги ва сифатта эга булган маҳсулотлар хам ракобатбардош була олмайдилар. АКШнинг “Артур Д. Литлл” машхур маслаҳат фирмасининг Гарбий Германия филиали маълумотига кура, 80 % ишлаб чиқаришга тадбик этилиши учун таклиф этилаётган сифатли янгиликларнинг ёки бозорнинг тўзилишига мос келмаслиги ёки баҳосининг ута юкорилиги сабабли талабга жавоб бермаслиги аникланган. Купчилик гарбдаги фирмаларнинг фикрига кура янги маҳсулот гояси конструкторлик бюроси ёки илмий муассасада эмас, балки корхоналарнинг макетинг булимларида юзага келиши керак.

Сифатини ошиши ҳам муҳим роль ўйнайди. Сифатни ошириш асосий омилларидан бири ҳар бир маҳсулот ишлаб чиқаришдан олдин уни сифатини олдиндан назорат қилиш ва бошқаришни тизимни ўрганиш талаб қилинади. Ишлаб чиқариш корхонасида ҳар бир технологик жараённи назорат жиҳат ўрганиб, унга маҳсулотнинг кириш ва чиқиш орасидаги вақт мобайнида бораётган жараённи тўлиқ ўрганиб кейин охирги тайёр маҳсулотни ишлаб чиқариш зарур бўлади. Ишлаб чиқаришнинг ривожланиши нафақат маҳсулот турларини кўпайтириш, балки замонавий ишлаб чиқариш саноатида автоматлаштириш ва ахборот технологияларини маҳаллий кўплаб тармоқларини умумлашган ахборотлардан фойдаланиш имкониятини ошириш жараёнларини ҳар томонлама оптимал бошқариш, маҳсулот сифатини технологик жараённинг кўрсатгичлардан келиб чиқсан ҳолда бошқариш иқтисодий самарадорликни ўстириш каби кўп қиррали ривожланиши назарда тутилади. Маълумки республикамида туб иқтисодий ислоҳотлар орқали бозор муносабатларини шакллантиришга киришишда энг аввало, унинг стратегик мақсадлари белгиланиб олинди. Бу мақсадлар ичida, рақобатдардош маҳсулотларни ишлаб чиқаришни таъминлаш алоҳида таъкидлаб ўтилган.

Иқтисодий ислоҳотларнинг устувор саналган йўналишларида қўйидагиларни кўришимиз мумкин.

Илғор технологияларни жорий қилиш орқали тайёр экспртбоб маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш:

Аҳолини юқори сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш;

Мамалакатнинг эксперт қувватидан тўла –тўқис фойдаланиш, уни жадаллик билан ривожлантириш.

Бу борада республикамизда қисқа муддат ичида улкан ишлар амалга оширилди ва натижада Ўзбекистонга ҳам ашё ҳам ашё зонаси сифатида қарашга барҳам берилди. Сифат барча тармоқларни ишлаб чиқаришдаги замонавийликни акс эттириш технологик жараёнларни комплекс автоматлаштириш, ишлаб чиқараётган ва четдан чиқаётган ҳар турли маҳсулотларнинг сифати юқори даражада меъёрий ҳужжатларнинг белгиланган талабларга мос бўлишини истеъмол маҳсулотларини нг ахоли учун хавфсизликни таъминлаш, илғор кўп йиллик тажрибадан ўтган жаҳон андозаларидан фойдаланиш ва уни республикамизда тадбиқ этиш кабиларни ўзига мужассамлаштирган. Белгиланган маҳсулотнинг сифат кўрсатгичларининг номенклатурасини танлаш, бу кўрсатгичларнинг қийматларини аниқлаш ва уларни асос бўлувчи қийматлар билан таққослашни ўз ичига олевчи шуларнинг йиғиндиси маҳсулот стифатининг даражасини белгилаш деб аталади.

Сифат тушунчаси ва унинг баҳоланиши озиқ-овқат ишлаб чиқариш корхоналарида маҳсулот сифатини бошқаришнинг комплекс тизими қуйидаги функцияларнинг бажарилишини назарда тутади:

Ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланишни сифат даражаси учун системали назоратни амалга ошириш йўллари ва заҳираларни излаш, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни бошқаришда тўғри технологияни ва илмий асосланган тизимни таъминлаш, ишнинг бажарилиш сифатини бошқариш назорат қилиш. Сотиб олинган маҳсулот сифати ва моддий техника

воситалари назорати ҳамда маҳсулот тайёрловчиларнинг эътиборсизлиги билан йўқотилган маблағни қоплаш учун маълум ҳуқуқий¹ актлардан фойдаланиш;


Ишлаб чиқаришнинг сифат кўрсатгичларини ошириш бўйича тадбирлар ишлаб чиқариш, фан ютуклари ва илғор тажрибаларни ўрганиш.

Маҳсулот сифатини бошқариш деганда маҳсулотни лойиҳалашни уни ишлаб чиқаришда ва тайёрлаб беришда ёки ундан фойдаланишда маҳсулотнинг зараурий сифат даражасини белгилаш, таъминлаш ва сақлаш тушунилади. Одатда маҳсулотни қайта ишлаш жараёнида унинг сифат кўрсатгичлари ўзгаради. Маҳсулот деганда меҳнат фаолияти жараённинг моддилаштирилган натижаси тушунилади, айниқса ишлаб чиқариш жараёнларида олинади ва шахсий характерли эҳтиёжларни қаноатлантириш учун мўлжалланади. Сифат масаласига ёндашув бозор омилиниң ролини мутахассис фикрига агресив маркетинг, яъни фаол экспорт фаолиятида куллаш етарлича самара бериши мумкин. XX асрнинг 80 йилларида Японияда Гарбий Германиянинг "Грюндик" фирмасининг магнитофонларининг салмоги 97%ни ташкил этар эди. Хозирги кунда Гарбий Германия ишлаб чиқарувчилари япон магнитофонларини лицензия оркали ишлаб чиқаришга утишди. Бундай тенденция бошка соҳаларда хам кўзатилмоқда.

2.3 Озиқ-овқат маҳсулотларни сифати ва хавфсизлиги кўрсаткичларини синовларидан ўтказиш

Маҳсулотлар сифат ва хавфсизлиги бўйича жараёнида маҳсулотнинг белгиланган талабларга мувофиқлигини синаш билан амалга оширилади. Синаш синов лабораториясининг процедура ва қоидаларига ҳамда синов усули меъёрий ҳужжатларга мувофиқ ўтказилади. Аккредитланган синов лабораториялари муайян маҳсулотнинг ёки муайян синов турларини ўрнатилган тартибда амалга оширади ва сертификатлаштириш учун синов баённомасини тақдим этади.

Озиқ-овқат маҳсулотларни сифатини бохолашда синов лабараторяларини ўрни бекиёсдир. Маҳсулотнинг амалдаги сифат ва хавфсизлик кўрсаткичлари тўғрисида синов натижалари бўйича расмийлаштирилади, бу эса сертификатни бериш ёки бекор қилиш учун холисона асос бўлиб хизмат қиласди. Бу эса сертификатни олиш ҳуқуқини тасдиқловчи ягона талаб эмас, бироқ бу иш зарурдир. Синовларни ўтказиш жараёни 2.1-расмда келтирилган. Ўрнатилган талаблардан келиб чиқсан ҳолда синов лабораторияси ва синовлар аниқланади. Синов лабораториялари (сертификатлаштириш жараёнидаги учинчи томон) аккредитация соҳасига кирувчи маҳсулотларни сифат ва хавфсизлик кўрсаткичларини синаши, лабораториянинг лаёқатлиги расман тан олинган, сертификатлаштириш обьекти истеъмолчилар, таъминотчилардан мустақил бўлган шартларда синовларни ўтказишга ҳуқуқи мавжуддир.**Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги менежменти – замон талаби.** Халқаро молия корпорацияси (ИФС) Европа ва Марказий Осиёдаги 12 мамлакатда: Арманистон, Озарбайжон, Болқон мамлакатлари, Беларусь, Грузия, Қозоғистон, Қирғизистон Республикаси, Молдова, Россия, Тожикистон, Украина ва Ўзбекистонда агробизнес стандартларини жорий этиш юзасидан маслаҳатлашув дастурини амалга оширмоқда. Ўзбекистон Республикасида дастур ўз фаолиятини 2014 йил апрелида бошлаган эди.



2.1-расм. Синовларни ўтказиш жараёни

Шу сабабли ҳам Ўзбекистон корхоналари учун озиқ-овқат маҳсулоти хавфсизлиги менежментини таҳлил қилиб, унинг қандай тизимларини жорий этиш халқаро бозорга чиқишига ёрдам беришини тушуниб олиш жуда муҳимдир. Бу янги сабзавот ва мевалар учун Глобал ГАП бўлиши ёки улар қайта ишланган тақдирда НАССР ИСО 22000, ФССС 22000 тизими бўлиши мумкин. Бундан ташқари, фермерда ёки корхонада ана шундай тизимларнинг мавжудлиги чет эллик ҳамкорларда ишончни оширади, корхонанинг истеъмолчилар ва инвесторлар олдидағи юқори савияда масъуллигидан далолат беради.

Биз озиқ-овқат маҳсулоти хавфсизлиги менежменти тизимларини жорий этиш борасида халқаро тажрибага эга бўлган маслаҳатчиларни, бу соҳадаги энг яхши мутахассисларни танлаб олмоқдамиз. Ўзбекистон учун энг долзарб ҳисобланган тармоқларда, яъни мева ва сабзавот етиштириш ва қайта ишлаш тармоқларида, шарбатлар ва ичимликлар тайёрлашда корхоналар билан иш олиб бориш, ниҳоятда муҳимдир. Бошқа соҳаларда, айтайлик, гўшт-сут ва

балиқчилик соҳаларида иш олиб боришда ҳам катта тажрибамиз бор. Бундай тизимни мумкин қадар барвақтроқ жорий этишларини маслаҳат берган бўлур эдим. Агар инвестиция излаётган бўлсангиз, озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги менежменти тизимини дадил жорий этинг ва бу нарса инвесторлар кўз ўнгидаги нуфузингизни ошириб, жалб этувчанлик салоҳиятингизни янги босқичга кўтаради. Маҳсулотни экспорт қилиш истагида бўлсангиз, озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги менежментининг жорий этилган ва амал қилиб турган тизими янги-янги бозорларни зabit этиш йўлини очиб берувчи восита бўлиб қолади. Стандартлар орқали жорий қилинган кўрсаткичлар, меъёрлар, тавсифлар ва талаблар илм-фан, техника ва ишлаб чиқаришнинг жаҳон даражасига мос бўлиши керак. Улар Стандартлаштириш обьектларининг ривожланиш тенденцияларини ҳисобга олиши лозим. Фақат маҳсулотнинг янги (oshiрилган) сифатини ҳисобга олмай, балки уни ишлаб чиқаришга, материал ва фойдаланишга бўлган харажатларни ҳисобга олиб иқтисодий мақбул кўрсаткичларини жорий қилиш керак яъни иложи борича кам харажат қилиб, максимал иқтисодий самарага эришиш даркор. Бу мақсадга эришишга илгарила б ва мажмуий стандартлаштириш кўмаклашади. Озиқ-овқат корхоналаридаги бошқариш ҳисоб-китоб жараёнларни ҳозирги замон ахборот технологияларини кўллашда тасаввур қилиб бўлмайди. Республикаизда кундан-кунга тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш кўлами кўпайиб бориб, маҳсулотларнинг ошиши кузатилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йилдаги “Танқидий таҳлил, қатъий-тариб интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик ҳаёти бўлиши керак” асарида «Ғалаба рапортлари» ва қилинган ишга доир ҳисоботларга берилмасдан, асосий дикқат-эътиборни мавжуд камчиликлар ва уларнинг илдизларини пухта таҳлил қилишга қаратиш зарур!¹

¹ 2017йилдаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Танқидий таҳлил, қатъий-тариб интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик ҳаёти бўлиши керак” асарида

Ш-БОБ

ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТИНИНГ СИФАТИ ВА ХАВФСИЗЛИГИ

3.1 Сифатни меъёрлаштиришда стандартлаштириш тизими

Дунёдаги эркин бозор муносабатлари тараққий топган, иқтисодий жиҳатдан салоҳиятли мамлакаталар қаторидан Ўзбекистонимизнинг ҳам жой эгаллаши давлатимизнинг ўз тараққиёт ва ривожланиш йўлини бежиз танламаганидан далолатдир. Ишлаб чиқаришда маҳсулот сифатини назорат қилувчи тизим мавжуд бўлиб, унда ишлаб чиқариш билан боғлик бўлган б ҳодимлардан ташқари давлат ва жамоатчилик ташкилотларнинг хиссаси коттадир. Маҳсулотлар сифатини баҳолашда халқаро (ИСО), давлатлараро (ГОСТ) стандартлар, Ўзбекистон Республикаси давлат стандартлари (ОзДСт), ташкилотнинг стандарти (ТС) каби стандартлаштиришга оид норматив ҳужжатлар қўлланилади.

Сифатни меъёрлаштиришда стандартлаштириш тизими муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек стандартлар маҳсулот сифатини бошқаришнинг энг муҳим элементидир. Улар маҳсулот сифати кўрсаткичларини, маҳсулотни ўлчаш, ёрлиқлаш, қадоқлаш, ташиш ва сақлаш усуллари ва воситалари йифиндисидир.

Ҳар қандай давлат иқтисодиёти тараққиётида унинг муваффақиятли, кенг қамровли ҳамда манфаатли ривожлантиришнинг ҳозирги тан олинаётган йўллари-ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, диверсификатсиялаш ва импорт ҳажмини босқичма-босқич камайтиришдир. Иқтисодий фаолият жаҳондаги сиёсий ва ижтимоий- иқтисодий жараёнлар тез ўзгараётганлигини инобатга олган ҳолда ҳаракатчан ва мосланувчан бўлгандагина муваффақиятга эришади. Жаҳон Савдо Ташкилотининг “Савдодаги техник тўсиқлар тўғрисидаги келишуви”да стандартлаштириш соҳасига эътобор қаратилиб, давлатлар меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқишида бошқа давлатлардан импортни

чегараловчи тўсиқларни пайдо қиласликалри белгиланган.Халқаро ягона стандартларнинг ҳар бир давлат ҳудудида амал қилишини жорий этилиши ушбу масаланинг тўлиқ ечимини таъминлаши мумкин.

Халқаро стандартларнинг қўлланиши жаҳон бозорига чиқишида мамлакатимиз экспорт салоҳиятини оширишнинг энг муҳим йўлларидан бири бўлади. 2015 йилда ялпи ички маҳсулот ҳажмининг ўсиш суръати 8 фоиз, жумладан саноат маҳсулотлари 8,3 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш 6 фоиз, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми 11,7 озиқ овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 11 фоизга кўпайган сифатли ва хавфсиз маҳсулотлари ишлаб чиқаршда миллий стандартимизнинг ўрни алоҳида эканлигини кўрсатшимиз мумкин. Бугунги кунда республика иқтисодиётининг турли тармоқларида қўллаш учун меъёрий-хужжатлар давлат фондида тайёр халқаро стандартлар мавжуд. ИСО 9001-2015 халқаро стандартига асосан СБТни жорий этиш билан бирга, қуйидаги тизимларни жорий этиш ишлари ҳам фаоллашмоқда. Хусусан бугунги кунда республикамизнинг 45 та корхонасида саноат хавфсизлиги менежменти (ОҲСАС 18001), экологик менежмент (ИСО 14001), озиқ овқат маҳсулотларининг хавфсизлик менежменти (ИСО 22000), интеграллашган менежмент тизим, машинасозлик ва мувофиқ тарзда бутловчи қисмларни етқазиб берувчи корхоналарда сифат менежменти (ИСО 16949) жорий этилмоқда.



Сўнгги йилларда матбуотда, мутаҳассислар сухбатларида, озиқ овқат хавфсизлиги, деган ибора кўп бора тилга олиняпти. Бунинг боиси бор албатта. Чунки бугунги кунда дунёning кўплаб давлатларида озиқ-овқат тақчиллиги ўткир муаммолардан бири бўлиб турган бир пайтда, шукурки юртимизда бу масала ўз ечимини топган ҳолда жаҳоннинг 80 дан ортиқ давлатига 180 турдаги маҳсулотларимиз экспорт қилинмоқда. Маҳсулот етиштириш, уни қайта ишлаш жаҳон стандартлари талабларида олиб бориляпти. Маҳсулот сифатини доимий тарзда таъминлаб туриш, истеъмолчилар манфаатларини доимий тарзда таъминлаб туриш, истеъмолчилар манфаатларини ҳимоялаш мақсадида эса қонун ва қонуности меъёрий хужжатлар қабул қилинмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда ҳукуматимиз томонидан қабул қилинаётган Фармон ва қарорлар, “Ўзстандарт” агентлиги томонидан чиқарилаётган буйруқларнинг мазмун-моҳияти, мақсади ҳам ички истеъмол бозоримизни сифатсиз, истеъмол учун яроқсиз маҳсулотлардан ҳимоялашга қаратилгандир.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистон Республикаси бозор иқтисодиёти шароитига ўтиш даврида саноат корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини яхшилаш муҳим объектив қонунийтга айланди, чунки «сифат» маҳсулотларнинг жаҳон бозорида рақобатбардошлигини таъминлайдиган асосий омиллардан биридир, албатта бундан маҳсулотнинг кўпга чидамлилиги, кафолатли муддатда хизмат қилиб бериш бундан мустаснодир. Демак, сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш уни жаҳон бозорида рақобатбардошлигини таъминлаш учун барча саноат корхоналаридаги эски асбоб-ускуналар ўрнига замонавий бўлган хорижий давлатларнинг асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш, ишлаб чиқаришда, идишларга жойлаштириш, сақлаш ва ташишда, ҳамда улардан самарали фойдаланганда қўйилган талабларга риоя қилиш, маҳсулот сифатини барқарорлигини таъминлаш лозимdir. Бу талаблар турли даражадаги меъёрий ҳужжатлар билан расмийлаштирилгандир.

Давлатлар орасида иқтисодий, техникавий, маданий алоқаларнинг ривожланиши халқаро ташкилотлар томонидан ишлаб чиқарилаётган стандартлар жаҳон бозорида рақобатбарбош маҳсулотлар етказиб бериш билан уйғунлашади. Давлатлараро савдо-сотик муносабатларининг самарали бўлишида маҳсулот сертификацияси катта аҳамиятга эга. Бир турдаги маҳсулот ишлаб чиқаришда қандай мамлакат бўлишидан қатъий назар шу маҳсулот сифатига кафолат берувчи сертификациядан фойдаланади. Маҳсулотни сертификациялаштириш товар ишлаб чиқарувчилар орасида рақобатли курашда ўзларининг савдо-сотикдаги мавқеини мустаҳкамлашда асосий воситалардан ҳисобланади. Мувофиқликни сертификациялаштириш-бу белгиланган маҳсулот, жараён ёки хизматнинг маълум стандартга ёки бошқа меъёрий ҳужжатга мос келишини етарли даражада исботлайдиган учинчи томон фаолиятидир. Маҳсулот ишлаб чиқаришда сертификацияни қўллаш орқали унинг сотув бозорида рақобатбардошлиги таъминланса, истеъмолчи

олган маҳсулотнинг сифат кўрсаткичларининг барқарорлиги ва уларниңг меъёрий ҳужжатларга мос келиши тўғрисида кафолатланади.

Стандартлаштириш ва сертификациялаштириш бўйича ҳукуқий савдо ва қонуний боғланишлар қўйидаги халқаро ташкилотлар орқали амалга оширилади:

- БМТ қошидаги Евropa иқтисодий комиссияси (ЕЭК);
- стандартлаштириш бўйича халқаро ташкилот (ИСО);
- сертификациялаштириш бўйича ИСО қўмитаси (ИСО/СЕРТИКО);
- мувофиқликни баҳолаш ИСО қўмитаси (ИСО/КАСКО);
- савдо ва таърифлар бўйича бош ассамблея (ГАТТ);
- ўлчов ва бирликлар халқаро ташкилоти (МОМВ);
- қонуний метрология бўйича халқаро ташкилот (МОЗМ);
- сифат бўйича Евropa ташкилоти (ЕОК);

Ўзбекистон Республикасида мувофиқликни сертификациялаштиришда маҳсулот, жараён ёки хизмат:

- МДҲ давлатлари стандартлари;
- Ўзбекистон Республикаси миллий стандартлари;

Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган халқаро стандартлар-нинг талаблари билан таққосланади.

Маҳсулот сифатини бошқариш деганда буюмларни истеъмолчилар талабларига бутунлай мос келувчи сифат таснифлари билан ишлаб чиқаришни таъминловчи, мақсадга қаратилган фаолият тушунилади.

Маҳсулот сифатини баҳолаш ва уни бошқариш зарурияти:

- режалаштириш ва истиқболни белгилашда;
- янги маҳсулот яратиш вариантини танлашда;
- норматив (меъёрий) ҳужжатларни ишлаб чиқишида;
- маҳсулот сифатини назорат қилишда;
- маҳсулот сифатини оширгани учун ходимларни работлан-тиришда;

- сифат тўрисида ахборот йиишни ташкил этишда ва ҳаказо холларда вужудга келади.
- Сифатни бошқариш ўзида бошқарувнинг меъёрий услубларини акс эттирувчи стандартларга асосланади. Унинг таъсири, хуқуқий кучга эга бўлган, меъёрий ҳужжатлар кўринишида шаклланадиган меъёр ва қоидаларни ўрнатиш йўли билан амалга оширилади.
- Стандарт- маҳсулот сифатига қўйиладиган асосий талабларни ўзида акс эттирувчи техник-меъёрий ҳужжатдир.
- Сифатни бошқаришда техник шартлар қисман рол ўйнайди.
- Техник шартлар - бу давлат стандартларига қўшимча тарзда белгиланадиган, агар улар мавжуд бўлмаган тақдирда маҳсулот сифат кўрсаткичларига мустақил талаб қўя оладиган техник меъёрий ҳужжатдир.
- Стандартлар маҳсулотнинг барча ҳаётийлик цикли босқичларида унинг сифатини оширишни режалаштириш тартиби ва услубларини белгилайди, сифатни назорат қилиш ва баҳолаш услублари ва воситаларга талабни белгилайди.
- Маҳсулот сифатини бошқариш давлат, халқаро, тармоқ ва корхона стандартлари асосида амалга оширилади.
- Маҳсулот сифати ва стандартлаш бўйича халқаро ташкилотлар. Халқаро стандарт ташкилоти (Х.С.Т.) ёки ИСО (инглиз тилида Интернатионал Стандарт Организатион - ИСО). Х.С.Т.-ташкилоти 1946 йилда БМТ қошидаги стандартларни мувофиқлаштириш бўйича қўмита йиғилишида дунё миқёсида халқаро товарлар алмашиниш ва ўзаро ёрдамни энгиллаштириш; интеллектуал, илмий, техник, иқтисодий фаолият мухитида ҳамкорлик қилишни кенгайтириш мақсадида ташкил қилинди. Стандартлар фан, техника ва тажрибаларнинг умумлаштирилган натижаларига асосланган, хамда жамият учун юкори даражадаги фойдага эришишга йуналтирилган бўлиши керак.

Маҳсулотнинг сифатли бўлишида «стандартлаштириш» фаолияти ҳал қилувчи аҳамият касб этади, чунки ҳар қандай технологик жараённинг ўрнатилган талабларга мос бўлиши, ҳар бир босқичда меъёрий ҳужжатларнинг бажарилишига риоя қилиниши, ижрочиларнинг меҳнат интизомига ва технологик йўриқномаларга амал қилиши стандартлаштириш асосида амалга оширилади.

Стандартлаштириш - маълум соҳада ҳар қандай масалаларга нисбатан кўп марталаб фойдаланиш ва ҳамма учун умумий ўрнатилган меъёрлар ёрдамида тартибга солишининг энг қулай даражасига эришишга қаратилган фаолиятдир.

Халқаро миқъёсда тан олинган ва Ўзбекистонда жорий қилинган стандартлаштиришнинг асосий мақсадлари қўйидагилардан иборат;

- маҳсулотлар, жараёнлар ва хизматларнинг (кейинчалик «маҳсулотлар» деб юритилади) аҳолининг ҳаёти, соғлифи, мол-мулки ва атроф-муҳит учун хавфсизлиги масалаларида давлат ва истеъмолчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш;

- фан ва техника тараққиёти даражасига, шунингдек, аҳоли ва халқ хўжалигининг эҳтиёжларига мувофиқ маҳсулотларнинг сифати ҳамда рақобатбардошлигини таъминлаш;

- кам чиқиндили ҳамда мавжуд ресурслар тежалиши асосидаги технологияни қўллаш орқали ишлаб чиқаришнинг иқтисодий кўрсаткичларини яхшилашга кўмаклашиш;

- халқ хўжалиги обьектларига табиий ёки техноген фалокатлар, фавқулодда вазиятлар таъсир қилиши ҳавфининг олдини олиш;

- мудофаа қобилиятини таъминлаш;

- ўлчашларнинг бирлигини ва метрологик талабларнинг ягоналигини таъминлаш;

- маҳсулотга ва уни синашга тегишли талабларни белгиловчи меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, қўллаш, ушбу ҳужжатларнинг қўлланилишини

назорат қилиш.

Стандартлаштириш орқали юқори сифатга эришиш маҳсулотнинг ташқи бозорларда рақобатбардошлиги кафолатидир. Сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш ва эришилган сифатни доимий яхшилаш, янгиликларни таҳлил ва мақбулларини жорий қилиш, янги бозорларни излаб топиб ўрганиш ва уларга кириш - булар ҳаммаси маҳсулот рақобатбардошлигини оширишга ва корхонанинг иқтисодий фаолиятини яхшилашга имкон беради.

Стандартлаштириш амалиёти ушбу соҳада ишлар олиб борувчи ташкилотларнинг ривожланишига чамбарчас боғлиқ, шунинг учун биз уларнинг фаолиятини кўриб чиқамиз.

Ҳар қайси мамлакатдаги миллий стандартлаштириш бошқа давлатларда олиб борилаётган стандартлаштириш ишларидан ажralган ҳолда алоҳида ривожлана олмайди. Миллий стандартлар талаблари бошқа мамлакатлар стандартларининг муайян талаблари билан мувофиқ бўлиши икки давлат орасидаги иқтисодий алоқаларни осонлаштиради.

Илмий-техникавий тараққиёт, ишлаб чиқаришнинг ривожланиши меҳнатнинг кенг тақсимланиши ва мамлакатлар ўртасида ишлаб чиқаришнинг ихтисослашишига олиб келади, бу эса мамлакатлараро иқтисодий муносабатларнинг шаклланишига кенг йўл очиб беради.

Мамлакатлар ўртасидаги илмий-техникавий ва итисодий муносабатларнинг ривожланиши уларнинг халқаро стандартлаштириш бўйича ишларда иштирокини фаоллаштиришга мажбур қиласди.

Стандартлаштириш бўйича ташкилотлар олиб борган тадқиқотлар натижасида давлатларнинг фан ва технология соҳаларидаги янгиликлари бир-бирига мос келмаслик ҳолатлари пайдо бўлди ва бу стандартлаштириш бўйича давлатлараро марказга эҳтиёжни келтириб чиқарди.

Ушбу мақсадда 1926 йили стандартлаштириш миллий ташкилотларнинг Халқаро Уюшмаси (ISO) пайдо бўлди ва унинг таркибига 7 та Европа худудида жойлашган мамлакатлар кирди.

1938 йили Берлин шаҳрида стандартлаштириш бўйича Халқаро конференция очилди. Унда турли соҳаларда фаолият олиб борувчи 32 қўмита тузилди. 1939 йили бошланган II-жаҳон уруши (ISO) нинг фаолиятини тўхтатиб қўйди.

Вақт ўтиши билан стандартлаштириш бўйича ишларни дунё миқъёсида олиб борадиган, кўплаб соҳаларни қамраб оладиган халқаро ташкилотга зарурат туғилди. 1946 йил 14 октябрда стандартларини мувофиқлаштириш бўйича БМТ Кўмитаси мажлисида Стандартлаштириш бўйича халқаро ташкилот (International Organization for Standardization - ISO) тузилди.

ISO нинг ташкил қилиниши билан стандартлаштириш воситасида ягона жаҳон иқтисодий майдони тузилишига асос солинди.

Ташкилотнинг Низомида «ташкилотнинг мақсади - халқаро товар алмашинувини ва ўзаро ёрдамни енгиллаштириш учун, шунингдек интеллектуал, илмий-техникавий ва иқтисодий фаолият доирасида ҳамкорликни кенгайтириш учун стандартлаштиришнинг дунё миқъёсида ривожланишига кўмаклашишдир» деб белгиланган.

ISO халқаро стандартлари мажбурий эмас. Ҳар бир мамлакат уни тўлиқ ёки алоҳида бўлимларинигина қўллаши мумкин. Дунё бозоридаги жиддий рақобат шароитларида маҳсулотини сотишга интилаётган ишлаб чиқарувчилар ISO ва бошқа ташкилотлар стандартларининг кенг доирасини қўллашга ҳаракат қилмоқдалар. Шунинг учун халқаро стандартларни ишлаб чиқишида йирик ишлаб чиқарувчилар ўртасида ушбу стандартларга ўзларига мос талабларни аниқ ифодалаш учун жиддий кураш олиб борилмоқда.

Халқаро стандарт маҳсулотнинг ҳар бир турига ҳам ишлаб чиқилмайди ва инсонлар ҳаёти, соғлиғи учун ҳавфсизлик, атроф мухитни муҳофаза қилиш, ўзаро алмашиниши ҳамда техник мослашувчанлик талабларига эга бўлади.

Аниқ маҳсулотга қўйиладиган техникавий талаблар ҳамда уларни ўлчаш ва синаш усуллари стандартда кўзда тутилиши лозим бўлганлиги сабабли, маҳсулот учун стандартларни ишлаб чиқиш жараёнида уни синашнинг ягона

усулларини белгилашга алоҳида эътибор қаратилади.

ISOда амалда бўлган стандартлар ишлаб чиқиш тартиб-таомиллари барча мамлакатларга йигилишларда қатнашиш, халқаро стандартлар ишлаб чиқиш тўғрисида таклифларни бошқа қўмита аъзолари томонидан муҳокама қилиниши учун тақдим этиш, ўз фикр-мулоҳазаларини тайёрлаб стандартлар лойиҳалари бўйича овоз беришга имконият яратади.

Халқаро стандартлар лойиҳалари маълум бир соҳадаги етакчи мамлакатлар мутахассислари иштирок этадиган ишчи гурухлар томонидан ишлаб чиқилади.

Мустақилликка эришган кундан бошлаб «Ўзстандарт» Агентлиги Ўзбекистон Республикаси номидан ISO нинг тўла ҳуқуқли аъзоси бўлиб ҳисобланади. Халқаро стандартларнинг лойиҳалари бўйича ўз таклифларини агентлик доимо юбориб, фаол қатнашмоқда.

ISO ва IEC фаолиятлари доиралари аниқ чегараланган: IEC электротехника, электроника, радио алоқа, асбобсозлик соҳасида стандартлаштириш билан шуғулланади, ISO - барча бошқа тармоқларда, маҳсулот, жараёнлар, инсон ва атроф муҳит, хизматлар хавфсизлиги бўйича стандартларни қабул қиласди.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатлари давлатлараро савдо-сотиқнинг тўхтаб қолиши олдини олиш мақсадида 1992 йилда «Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш соҳалари келишилган сиёsatни юритиш тўғрисидаги битим»ни имзоладилар.

МДҲ иштирокчилари учун Стандартлаштириш бўйича давлатлараро Кенгаш тузилиб, унда аъзо давлатларнинг стандартлаштириш бўйича миллий ташкилотлари иштирок этадиган бўлдилар. Ташкилотнинг штаб-квартираси Минск (Белоруссия)да жойлашган. Ташкилот давлатлараро стандартларни қабул қиласди. 1995 йил ISO нинг Кенгashi бу ташкилотни стандартлаштириш бўйича МДҲ давлатларининг минтақавий ташкилоти сифатида тан олди. Стандартлаштириш бўйича ишлар миллий ташкилотлардан келиб тушган

таклифларнинг умумлашуви асосида тузилган дастурларга мувофиқ амалга оширилади. Ташкилот томонидан саккиз мингга яқин давлатлараро стандартлар қабул қилинган.

Ушбу ташкилотлар давлат бошқаруви идоралари туркумига кирмайди ва давлат бюджетидан пул олмайди. Шу билан бирга ўз фаолиятларининг йўналишини ҳукумат идоралари билан келишиб олган ҳолда иш юритишади ва хисбот беришади. Хизматчиларининг маоши ташкилотнинг ўз молиявия маблағларидан берилади. Асосий фаолиятлари аҳоли ва ташкилотларга хизмат кўрсатишдан иборат. Бу ташкилотлар хўжалик хисобида фаолият олиб борса ҳам, Давлат бошқаруви идоралари уларнинг хужжатларига асосланишади ва буюртма тушуришади. Ташкилотлар жавобгарликни хис қилган ҳолда иш юритиб ўzlари тайёрлаган хужжатларига масъулият билан ёндошишади.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, қисқа вақт ичида хаётий тажрибаларга ва ривожланган хорижий мамлакатлар ютуқларига суянган ҳолда стандартлаштириш соҳасини бошқариш учун ўз моделини яратди ва шу асосда иш олиб бормоқда.

Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш соҳаларида давлат сиёсатини амалга ошириш мақсадида 1991 йилда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузурида “Ўзстандарт” агентлиги ташкил қилинди.

«Ўзстандарт» агентлиги стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш ва аккредитация қилиш соҳасидаги вазифаларни ҳал қилиш учун махсус ваколат берилган давлат бошқаруви органи - Миллий идора, асосий ижрочи ва назоратчи қилиб белгиланди.

«Ўзстандарт» агентлигига стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш, ҳалқаро стандартларни, шу жумладан сифатни бошқариш тизими бўйича ҳалқаро стандартларни қўллаш асосида маҳсулотлар сифатини ва уларнинг рақобатбардошлилигини ошириш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш; стандартлаштириш, ўлчовлар ягоналиги,

сертификатлаштириш тизимлари фаолият кўрсатишини ва ривожлантирилишини, ушбу соҳалардаги илмий-техника ахборотини аккредитация қилиш ва тарқатишни, шунингдек уларнинг халқаро, давлатлараро тизимлар ва хорижий мамлакатларнинг миллий тизимлари билан уйғунлаштирилишини таъминлаш; маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар хавфсизлиги ва сифати, ўлчовлар ишончсиз натижаларининг салбий оқибатларидан муҳофаза қилиш талабларига риоя этилиши юзасидан истеъмолчилар хуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш чора-тадбирларини амалга ошириш; стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш соҳасида кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ишларини ташкил этиш масалалари юклатилган.

Агентлик юридик шахсларни сертификатлаштириш ва юклаштуширишдан олдин инспекция ўтказиш соҳасида белгиланган тартибда аккредитация қиласи, юридик ва жисмоний шахсларнинг синов, ўлчов, таҳлилий, калибрлаш ва текшириш лабораторияларини аттестациядан ўтказади ва аккредитация қиласи, республикада ишлаб чиқариладиган ва импорт бўйича олиб келинаётган маҳсулотларни сертификатлаштириш, чет мамлакатларнинг сертификатлаштириш бўйича ишлари натижаларини эътироф этиш ишларини ташкил этади, мажбурий тартибда сертификатланадиган маҳсулотлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритади; этalonларни сақлайди, қўллайди ҳамда ўлчамлар миқдорларини беради.

Бундан ташқари ўз ваколатлари доирасида маҳсулот сифати ва хавфсизлиги бўйича мажбурий талабларни белгилайди ҳамда ушбу талабларга риоя этилишини назорат қиласи, сертификатланган маҳсулотлар, сифат тизимлари, ўлчов воситаларининг ва ўлчовларни амалга ошириш методикасининг, аккредитация қилинган сертификатлаштириш органларининг, синов (ўлчов) лабораторияларининг, сифат бўйича эксперт-аудиторларнинг давлат реестрларини юритади.

Жаҳондаги сиёсий ва иқтисодий ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда, ҳалқаро меъёрий талаблар асосида уйғунлашган ва Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятига иқтисодий интеграциялашувига асос бўла оладиган меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилди.

«Меъёрий ҳужжатлар» атамаси стандартлар, техникавий шартлар, шунингдек белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган кўрсатмалар, йўриқномалар ва қоидаларни ўз ичига қамраб олади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида стандартлаштириш обьектларига қўйиладиган талабларни белгиловчи меъёрий ҳужжатларнинг қўйидаги тоифалари амал қиласи: ҳалқаро (давлатлараро, минтақавий) стандартлар; Ўзбекистон Республикасининг Давлат стандартлари; хорижий мамлакатларнинг миллий стандартлари.

Ҳалқаро стандарт - бу Ҳалқаро стандартлаштириш ташкилоти (ISO) томонидан қабул қилинган стандартdir.

Миллий стандарт - бу давлатнинг стандартлаштириш масалалари билан шуғулланувчи миллий идораси томонидан қабул қилинган стандартdir.

3.2 Ҳалқаро, минтақавий, давлатлараро, миллий стандартни корхона миқёсида қўлланилиши.

Стандартлаштириш соҳасидаги ишлар ҳалқаро давлатлараро, миллий стандартни тақазо қилди. Шу мақсадда 1926 йили стандартлаштириш миллий ташкилотларнинг Ҳалқаро Ассоциацияси (ISO) пайдо бўлди. ўша йилларда ISO таркибига 20 мамлакат вакиллари кирган эди.

Ҳозирги Ҳалқаро стандартлаштириш ташкилоти (Интернатионал Стандардс Организацион) 1946-1947 йиллари ташкил топди, уни қисқача ИСО

деб юритилади. Бу нуфузли ташкилот Бирлашган Миллатлар Бош Ассамблеяси таркибида фаолият кўрсатиб, ривож топмоқда.

ИСОнинг тузилишидан кўзда тутилган асосий мақсад - халқаро миқёсдаги мол алмашинуvida ва ўзаро ёрдамни енгиллаштириш учун дунё кўламида стандартлаштиришни ривожлантиришга кўмаклашиш ҳамда ақлий, илмий, техникавий ва иқтисодий фаолиятлар соҳасида ҳамдўстликни ривожлантиришdir.

Бу мақсадларни амалга ошириш учун:

- дунё кўламида стандартларни ва улар билан боғлиқ бўлган соҳаларда уйғунлаштиришни енгиллаштириш учун чоралар кўриш;
- халқаро стандартларни ишлаб чиқиш ва чоп этиш (агар ҳар бир стандарт учун унинг фаол ташкилий ва кичик қўмиталарининг иккidan уч қисми маъқуллаб овоз берса ва умумий овоз берувчиларнинг тўртдан уч қисми ёқлаб чиқса, стандарт маъқулланиши мумкин);
- ўз қўмита аъзоларининг ва техникавий қўмиталарнинг ишлари ҳақида ахборотлар алмашинувини ташкил қилиш;
- соҳавий масалалар бўйича манфаатдор бўлган бошқа халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш кўзда тутилади. Ҳар бир давлатнинг халқаро стандартларни қабул қилиши, ИСОташкилотига аъзо бўлиши мамлакатни иқтисодий самародорлигини оширади.

ИСО раҳбар ва ишчи қўмита идораларидан ташкил топган. Раҳбар идоралари таркибига Кенгашнинг юқори идораси - Бош Ассамблея, Кенгаш, ижроия бюроси, техникавий бюро, кенгашнинг техникавий қўмиталари ва марказий секретариати киради. ИСОда президент, вице-президент, газначи ва бош секретарь лавозимлари мавжуд. Бош Ассамблея - ИСОнинг Олий Раҳбари бўлиб, ИСОнинг йиғилиши уч йилда бир марта бўлади. Унинг сессиясида президент уч йил муддат билан сайланади. Бош Ассамблеяни ўтказиш вақтида саноат соҳасида етакчи мутахассислар иштирокида халқаро

стандартлаштиришнинг муҳим муаммолари ва йўналишлари мухокама қилинади.

ИСО кенгаши йилига бир марта ўтказилиб, унда ташкилотнинг фаолияти, хусусан, техникавий идораларнинг тузилиши, халқаро стандартларнинг чоп этилиши, кенгаш идораларининг аъзоларини ҳамда техникавий қўмиталарнинг раисларини тайинлайди ва бошқа масалалар кўрилади.

Давлатлараро ГОСТ стандарт МДХ давлатлари учун ишлаб чиқилган бўлиб, давлатлар ўртасида стандартларни бирлигини тамиллашдан иборат.

Давлат стандартлари маҳсулотни ишлаб чикиш ва уни ишлаб чиқаришга куйиш боскичидаги янги маҳсулотнинг юкори сифатдаги турларини яратиш ва уларни ўзлаштиришни тезлатишга, ишлаб чиқарувчи, тайёрловчи ва истеъмолчи ораларидаги муносабатларни яхшилашга йуналтирилган.

Стандартлаштириш маҳсулот муомалада булганида ва сотиш боскичларида маҳсулотни жойлаштиришда яхши тартиб ва шароитлар яратиш, юклаш ва жойлаштириш, туғри саклаш, буюмни транспортда ташиш, тарқатиш талабларини сотиш ташкилотларига белгилаб беради. O'zDSt 1. 1-92 "Ўзбекистон Республикасининг стандартлаштириш давлат тизими. Ўзбекистон Республикасининг стандартини ишлаб чиқиш, келишиб олиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби" стандартига биноан Ўзбекистон Республикаси стандарти (бундан кейин - стандарт деб юритилади) стандартлаштириш бўйича техникавий қўмиталар (бундан кейин ТК), стандартлаштириш бўйича таянч ташкилотлари, вазирликлариidorалар, уюшмалар, концернлар, давлат, ширкат, пудратчи, акционер, қўшма корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилади.

- Стандартни ҳар хил ташкилотлар мутахассисларининг ишчи гурухлари томонидан ишлаб чиқишга йўл қўйилади.
- Стандартнинг бир нечта ташкилот томонидан ишлаб чиқилишида етакчи ишлаб чиқувчи ташкилотлар (ижрочилар рўйхатида биринчи ўринда

туради) ҳамкорликда иш бажарувчи ҳар бир ташкилот билан иш қўламини ва муддатларини аниқлайди.

Махсулот сифатини яхшилаш, бошқариш ва таъминлаш бўйича охирга вактда килинган ишларни мужассамлаб, ИСО ўзининг бир катор меъёрий хужжатларини ишлаб чикади, бу хужжатларга ИСО 9000, 10011 ва 10012 ракамли стандартларни курсатиш мумкин. Турли ҳалқаро ташкилотлар стандартлаштириш, метрология ва сифатни бошқариш соҳаларида меъёрий хужжатларни ишлаб чиқиши, дунё мамлакатларини шу соҳалардаги илғор ютуқларини умумлаштириш ва бу соҳалар бўйича ҳар хил ёрдам кўрсатиш билан Ҳалқаро стандартлаштириш ташкилоти, Ҳалқаро электротехника комиссияси, метрология соҳасида қонунлаштирувчи Ҳалқаро ташкилот, сифат бўйича Европа ташкилоти, синов лабора-торияларини аккредитлаш бўйича Ҳалқаро конференция, Farbий Европа минтақавий ва иқтисодий ташкилотлари, стандартлаштириш ва метрология бўйича Араб ташкилоти ва бошқалар фаол ишлаб турибди. Шу ташкилотлар ва уларнинг олиб бориётган ишлари, фаолият доиралари хусусида қисқача маълумот бериб ўтиш хамда ҳалқаро ташкилот стандартини қўллаш ҳар бир мамлакат иқтисодиётини устивор талабларидан бири хисобланади. Ривожланган мамлакатлар иқтисодиётига назар солсак, ўша мамлакатлар озиқ-овқат маҳсулотларини ҳалқаро стандарт асосида ишлаб чиқишига гувоҳ бўламиз. Шу жумладан мамлакатимиз раҳбарлари томонидан озиқ-овқат маҳсулотларини ҳалқаро стандарт асосида ишлаб чиқарилишига катта этибор қаратилмоқда.

Ҳаёт фаолияти ҳавфсизлиги

Фан ва техника ривожи билан меҳнатга бўлган муносабат ҳам ўзгарди. Дунё мамлакатларининг ҳар бирида меҳнат муҳофазасига доир қонун ва хужжатлар ўзига мос равишда ишлаб чиқилди. Республикализнинг Конститутсиясида ҳам ушбу масала пухта ишлаб чиқилган ва унинг ҳақиқий кўриниши қўйидагича қабул қилинган қонунларда ўз ифодасини топган:

- 1992 йил 13 январда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги;
- 1992 йил 2 июлда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Касаба ўюшмалари, улар фаолиятининг хуқуқ ва кафолатлари тўғрисидаги»;
- 1993 йил 6 майда эса Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги» қонуни қабул қилинган.

1994 йил 1 декабрида Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси қабул қилинди.

1995 йил 21 декабрида «Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси» қабул қилинди.

Атмосферага хар хил заарли моддалар чиқарадиган корхоналарни ахоли яшайдиган туманга нисбатан «шамоллар гулдастаси» томонига жойлаштирилди.

Ўзбекистон Республикаси конститутсиясига мувофиқ Давлатимиз фуқаролари, миллати ва ирқидан қатъий назар, тенг хуқуқлидирлар. Аёлларга эркаклар билан тенг хукуки берилган. Шароити оғ'ир ва заарли ишларда аёллар ва ёшлар меҳнатидан фойдаланиш таъқиқиланди. Ҳомиладор аёлларнинг тунда ва ишдан ташқари вақтда ишлашлари чекланган.

Меҳнат ҳақидаги қонунлар асосларида, шароити заарли бо'лган ишларда, шунингдек, алоҳида ҳарорат шароитида бажариладиган ёки ифлосланиш билан боб'лиқ ишларда ишлайдиган ишчи-хизматчиларга белгиланган меъёрларга мувофиқ бепул жамокор, маҳсус пояфзал ва бошқа

турдаги якка тартибдаги ҳимоя воситалари, сут ёки унинг ўрнини боса оладиган бошқа озуқа маҳсулоти берилиши кўзда тутилган.

Янги технологик жараёнларнинг яратилиш, янги ашёларнинг қўлланиши принтсип жиҳатдан янгича ёндошувни, меҳнат хавфсизлигини таъминлашнинг янги усуслар ҳамда воситаларини ишлаб чиқиши, шунингдек ана шу масалалар бўйича янги меъётивларни яратишни тақозо етади. Шу сабабли меҳнат муҳофазасига доир меъётив ҳужжатларни тартибга солиш зарурати пайдо бўлди. Бу ҳужжатлар давлат стандартлаштириш системасининг таркибий қисмига айланади.

Меҳнат хавфсизлиги стандартлари мажмуаси (МХСМ)-бу ўзаро боғлиқ стандартлар мажмуасидан иборат бўлиб, улар уч гурухга бўлинади ва қуидагиларни белгилайди: хавфли ва заарли ишлаб чиқариш омилларига доир умумий талаблар ҳамда меъёрлар; ишлаб чиқариш жараёнларига доир хавфсизликнинг умумий талаблари; ишловчиларни ҳимоялаш воситаларига доир талаблар; меҳнат хавфсизлигини баҳолаш методикаси. Саноат корхоналарининг технологик ускуналарига доир умумий талаблари «Меҳнат хавфсизлиги талаблари мажмуаси. Саноат корхоналари учун технологик ускуналар. Хавфсизликнинг умумий талаблари» да баён этилган.

Ўзбекистон Вазирлар кенгашининг стандартлар бўйича Давлат қўмитаси стандартларини беш йил муддатга белгилайди; бу муддат ўтгандан сўнг улар янгиланади ва қайта кўриб чиқилади. МХСМ стандартлари умумдавлат, тармоқ республика миқёсида бо`лиши мумкин. Ушбу стандартларни ҳамма вазирликлар, идоралар, корхона ва муассасалар бажаришга мажбур. Уларга амал қилмаганлар қонун ёғли билан жазоланадилар.

Атмосферага хар хил заарли моддалар чиқарадиган корхоналарни ахоли яшайдиган туманга нисбатан «шамол йўналиши» томонига жойлаштирилади. Ахоли ва корхоналар орасида санитария-химоя оралиқ (зона) бўлиши хисобга олинади. Бу масофа корхоналарни санитария жихатидан синфларга булинишига караб, И синф учун – 1000 м, ИИ синф учун – 500 м, ИИИ синф учун – 300 м,

ИВ синф учун – 100 м ва В синф учун – 50 м бўлиши керак. Баъзи холларда санитария ҳимоя оралиғи (зонаси) кенглиги Давлат санитария назорати инспекцияси талаби билан Давлат қурилиш қўмитаси билан келишилган холда 3 марта гача кенгайтирилиши мумкин. Санитария-химоя оралиғида заарлиги бўйича фақат қуйи синфга таалуқли корхоналар ва ёрдамчи бинолар (омбор, ошхона, гараж ва х.к.) жойлаштирилиши мумкин. Шўртanneфтегаз Унитар шуъба корхонаси И синфга тааллуқли бўлиб унга 1000 м масофада санитарий ҳимоя зонаси барпо этилган.

Хар бир саноат корхонасида дам олиш, овқатланиш, уй ва иш кийимларини сақлаш, заарсизлантириш, тузатиш, ювиш, ювениш ва бошқа маданий санитария хизматлари учун мўлжаланган қўшимча бинолар уйлар бўлиши керак. Ишчи ва хизматчиларни эхтийжини қониқтирадиган санитария-маиший хизмат қўрсатиш уйларини-хоналарини таркиби, хажми СНиП 2.02.04-87, СН 245-71 СН-4088-86 нормаларига асосан аниқланади ва қурилади.

Ишлаб чиқариш микроиклими меъёрлари меҳнат хавфсизлиги стандартлари системаси «Иш зонаси микроиклими» билан асосан белгиланган. Улар гигиеник ва техник иқтисодий негиларига асосланган.

Корхонада машина ва механизmlарнинг ҳаракат натижасида ҳар хил титрашлар вужудга келади. Бу титрашлар баъзи участкаларда битта ва баъзи участкаларда бир неча машина механизmlарнинг ҳаракати таъсирида бўлиб, баъзан зўрайиши ва баъзан сусайиши кузатилади ва бу организмга салбий таъсир қўрсатиши билан тавсифланади.

Титраш ҳосил қилувчи машиналар орасида транспорт воситалари, катта ҳажмдаги қоўзғолмас агрегатлар, қўлда ишлатиладиган машина ва механизmlар мавжуд.

Техника тараққиёти натижасида замонавий механика-машинасозлик корхоналарида турли туман жиҳозларнинг кириб келиши, шунингдек бу машиналарнинг унумдорлигини оширишга талабнинг кучайганлиги, машиналарнингиложи борича кам материал сарфлаб, қўл билан бажариладиган

вазифаларни механизмлар зиммасига юклаш натижалари инсонга таъсир этувчи қо'шимча ҳодиса, титраш ҳодисасини келиб чиқишига олиб келди. Титраш саноатда ишчининг иш унумдорлигини камайтирибгина қолмасдан, балки унинг соғлигига ҳам таъсир ко'рсатиши ва бу таъсирнинг олди вақтлироқ олинмаса, хавфли титраш касаллигига олиб келиши аниқланди. Шунинг учун ҳам титрашга қарши кураш муҳим аҳамиятга эга.

Ҳозирги замон техника тараққиёти даврида саноат корхоналарида шовқинга қарши кураш масалалари муҳим масалалар қаторига киради. Бу масала асосан машинасозлик саноатида транспорт воситаларини ишлатишда ва энергетика саноатида жуда жиддий масала бўлиб турибди.

Шовқин биринчи навбатда ишлаб чиқаришда меҳнат қилаётган кишиларни маънавий толиктиради, шовқин чиқарувчи машиналарни ишлатаётган ишчилар ва ишлаб чиқариш жараёнини бошқараётган операторлар ишига халал бериб, уларни ҳар хил ҳатоликларга йўл қўйишиларига олиб келади. Бу эса ўз навбатида ишлаб-чиқариш жароҳатланишлари келиб чиқишининг асосий манбаи ҳисобланади.

Катта шовқин таъсирида инсоннинг асаб системалари зирқиллайди, эшитиш органининг сусайишига сабаб бўлади. Шунинг учун ишчиларга маҳсус шахсий ҳимоя воситалати берилиш зарур.

Электрхавфсизлик(ГОСТ 12.1.009-76) – ташкилий ва техник чоратадбирлар тизими ва воситаларири, улар одамларни электр майдонидан ва статик (турғун) электр токини заарали ва хавфли таъсиридан ҳимояланишини таъминлайди.

Электр токидан жароҳатланиш ко'пинча муҳитга bog'лиқ, қаерда электр курилмалар ишлатилса, электр қурилмаларнинг ток ўтказадиган ва симларнинг ҳимоя қисмларини юқори намлик, газларнинг таъсири секин-аста емиради. Атроф муҳит намлигининг юқори бўлиши тана қаршилигини камайтиради.

Корхонада шахсий ҳимоя воситаларидан махсус кийимлар, каскалар, респираторлар, резина этик, құлқоп, күзойнак, газ ниқоб ва бошқалар күлланилади.

Ишлаб чиқариш шароитига қараб қисқа вақт ичида түсатдан ажралиб чиқадиган ва бино хажмига тарқалиши мумкин бўлган заарли, портлашга хавфли газ, буғларни тоза ҳаво билан алмаштириш ва хавф хатарни олдини олиш мақсадида авария шамоллатгичларни-вентиляторларни маълум жойларга ўрнатиш хисобга олинади.

Саноат корхоналарининг санитар-гигиеник холатини яхшилаш борасида корхона хоналарини, майдонларини ёритиш алохида ўринда туради. Ишлаб чиқариш корхоналарининг хоналари кундуз кунлари одатда табиий ёритилади. Баъзибир хоналар, масалан, технологик жарайнда табиий ёритилиш салбий таъсир кўрсатадиган ишлар, ишчиларни ҳамма вақт бўлиши шарт бўлмаган жойлар, жойланиши бўйича табиий ёритилиш имконияти бўлмаган ерлар-ер ости хоналари, қурилмалари ва омборлар ҳамма вақт сунъий ёритилиши мумкин.

Ёритиш тизимларини турларини танлаш асосан бажарилайтган ишнинг технологик жарайнига, категориясига боғлик бўлиб СНиП-2.01.05-98 асосида белгиланади.

Техник ва хўжалик мақсадлари учун ишлатиладиган сув юмшоқлиги, таркиби, биологик хусусияти ва чиришга қарши кўрсатгичи билан қўйилган талабларга жавоб бериши керак. Агар сув сифати талабга жавоб бермаса, у холда ишлатилган сув қайта тозаланади. Ичимлик ва хўжалик мақсадлари учун керакли бўлган сув ЎзДТС 950:2000 талабларига жавоб бериши керак.

Корхонада ёнғин муҳофазаси уч хил – касбий, маъмурий ва жамоат усулида амалга оширилади. Касбий ёнғин муҳофазаси объектларда амалга оширилади. Харбийлашган касбий ёнғин муҳофазаси таркибида отряд, қисмлар бўлиб, улар замонавий аппарат-асбоблар билан таъминланган ва мўлжаланланган жойларда ёнғинга қарши норма ва коидаларга амал қилиниши устидан

кундалик назорат олиб боради. Касбий ёнғин мухофазаси халқ хўжалигини турли тармоқларида амалга оширилади, ташкил этилади.

Маъмурий ёнғин мухофазаси корхона, тсех, бўлим ва бошқа жойлар бўйича ёнғин хафсизлигига тайинланган шахс жавоб беради. Ишни ташкил этиш, ёнғин хавфсизлигини таъминлаш учун корхонада технологик ва ишлаб чиқариш сабабларига оид ёнғиндан огохлантириш мақсадида бош мухандис рахбарлигига «Ёнғин техник комиссияси» (ЙТК) ташкил этилади.

Озиқ-овқат махсулотларини қайта ишлаш корхоналарини ёнғингапортлашга хавфлилиги жаройн бажарилишида қўлланадиган хомашйга, турига боғлик, чунки енгил алганаланадиган ва ёнадиган суюқликлар, ёнувчи газлар, суюлтирилган газлар, ёнувчи қаттиқ моддалар ишлатилиши мумкин.

Технологик лойихалаш умумий норма СанПиН 2.01.02.85, (ОНТП-24-86) ларига асосан барча корхона ва ишлаб чиқариш бинолари қўлланадиган ва олинадиган моддаларга қараб ёнғин, портлаш хавфсизлиги буйича корхона А категорияга киради. Портлашга хавфлилиги боғийча В-1 синфида киради.

Ишлаб чиқариш корхона биноларини, иншоотларни талабга мос келадиган чидамлилик даражаси СНиП-11-01.02-85, ОНТП-24-86 га асосан ёнғин хавфсизлиги категориясига, майдон юзасига, қаватлар сонига қараб аниқланади.

Бинодаги ёнғинни тарқалишини чеклайдиган мосламалар қўлланилади. Уларга ёнғинга қарши деворлар, (брандмауер), йўлаклар, тўсиқлар, эшиклар, дарвозалар, деразалар, люклар, клапанлар, портлашга қарши мосламалар мисол булаолади.

Ёнғинга қарши тўсиқлар йнмайдиган материаллардан тайирланган бўлиши ва ўтга чидамлилик даражаси талабга мувофиқ бўлиши керак.

Ёнғинни бир бино, ишоотдан бошқа жойга ўтиб тарқалишидан огохлантириш мақсадида қурилиш норма ва қоидаларига асосан маълум масофада ёнғиндан химоя бушлиги хисобга олинади.

Ёнғин хавфсизлиги норма, қоидаларига асосан эвакуатсия юллари ўтга чидамли материаллардан таййрланиши, харакат йўлида бегона тўсиқлар бўймаслиги керак. Чиқиш юли кенглиги камида 0,8-1,0м бўлиши талаб қилинади.

Портлашга хавфли зоналарда қўллаш, ишлатиш учун электр ускуна, мослама, қурилмаларни танлаш ва ўрнатишда ГОСТ 12.1.004-85 талабларига биноан портлашга хавфли зона, шунингдек, аралашмаларни синфланиши хисобга олинади.

Корхонада яшин қайтаргичлар қўлланилади.

Юз бериши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларга қўйида гилар киради:

1. Табиий тусдаги ФВ;
2. Техноген тусдаги ФВ;
3. Экологик тусдаги ФВларга бо`линади.

Табиий тусдаги фавқулодда вазиятларга 3 хил турдаги хавфли ҳодисалар киради:

- 1) геологик хавфли ҳодисалар: зилзилалар, ер кўчишлари, тоғ ўпирилишлари ва бошқалар
- 2) гидрометрологик хавфли ҳодисалар: сув тошқинлари, селлар, қор кўчкилари, кучли шамоллар (довуллар), жала ва бошқалар
- 3) Фавқулодда эпидемиологик, эпизоотик ва эпифитотик вазиятлар; алоҳида хавфли инфектсиялар (ўлат, вабо. сарғайма, иситма) юқумли касалликлар, терлама, Брил касаллиги, зооноз тинфектсиялар- Сибир яраси, кутуриш, вирусли инфектсиялар- СПИД;

Техноген тусдаги фавқулодда вазиятларга 7 хил турдаги вазият киради:

- 1) Транспортлардаги авария ва ҳалокатлар (кема, самолёт, темир йўл, вокзал,)
- 2) Кимёвий хавфли объектлардаги авариялар;
- 3) Ёнг`ин-портлаш хавфи мавжуд бўлган объектлардаги авариялр;
- 4) Енергетика ва комунал тизимдаги авариялар; (ГЕС, ГРЕС)
- 5) Бино ва иншоатларнинг бирдан қулаб тушуши билан баг`лик авариялар;

- 6) Радиоактив ва бошқа хавфли ҳамда экологик жиҳатдан заарли моддалардан фойдаланиш ёки уларни сақлаш билан боғлиқ авариялар;
- 7) Гидротехник иншоатлардаги ҳалокатлар ва авариялар; (сув омборлари, каналлар)

Екологик тусдаги фавқулодда вазиятлар. Экологик тусдаги ФВлар асосан 3 хил бўлади:

- 1) Куруқлик (тупроқ, ер ости)нинг ҳолати ўзгариши билан боғлиқ вазиятлар (фойдали қазилмаларни қазиш чоғида, ҳалокатли қўчкилар)
- 2) Атмосфера таркиби ва хоссалари ўзгариши билан боғлиқ бўлган вазиятлар; (ҳаво муҳитининг заарли газлар билан ифлосланиши)
- 3) Гидросфера ҳолатининг ўзгариши билан боғлиқ вазиятлар; Ер юзаси ва ости сувларининг саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши оқовалари.

Гидротехника иншоатидаги фавқулодда вазият муайян ҳудуддаги аварияга олиб келиши мумкин бўлган, шунингдек, гидротехника иншоотининг аварияси натижасида вужудга келган бўлиб, одамлар қурбон бўлишига, одамлар соғлиғи ёки атроф муҳитга зарар етказилишига олиб келган вазиятдир.

Сув омборларидаги, дарёлардаги, каналлардаги гидротехника иншоотининг (ГТИ) бузулиши, баланд тоғ кўлларнинг сув уриб кетиши натижасида сув босиши, фалокатлар ва ҳалокатларга олиб келади ҳамда одамлар қурбон бўлишига, саноат ва қишлоқ хо'жалиги ва объектларининг ишини издан чиқаришга, сув босган жойлардаги аҳолининг ҳаёт фаолияти бузулишига сабаб бўлади ва шошилинч эвакуатсия тадбирлари ўтказишни талаб қиласди.


Республикамизда гидродинамик хавфли объектлар (ГХО) жуда кўп бўлиб, аҳоли ва ҳудудларда хатар манбаи ҳисобланилади ва муайян шароитда фавқулодда вазият ўчог'ига айланиб кетиши мумкин.

Улар асосий, маҳсус ва ёрдамчи воситаларга бўлинади. Асосий воситалар - ёнғинга ўт ўчиргич моддаларни (сув, кўпик, кукун, карбонат ангидрид гази

ва бошқ.) сепиш учун белгиланган. Буларга автомобил, автосистерна, мотопомпа, ўт ўчиргичлар ра бошқалар киради.

Махсус воситалар - ёнғинни ўчиришда махсус ишларни бажариш учун ишлатилади. Уларга автонарвонлар ва тирсакли күттаргичлар, ёритиш ва алоқа автомобиллари, шунингдек оператив автомобиллар киради.

Ёрдамчи воситалар - ёнғинни ўчиришдаги ишларни бажариш учун етарли шароит яратади. Буларга автосув қуйгичлар, юк автомобиллари, автобуслар, трактор ва бошқа машиналар киради.



Ёнғин хақида тезликда дарак-хабар бериш учун юқори хавфли хисобланган технологик ускуналарда, ишлаб чиқариш биноларида, омборларда даракчи воситалар ўрнатилади.

Иқтисодий қисм

Тармоқда мулкчиликнинг турли шаклларига асосланган корхоналар ишлаб чиқариш фаолиятида ҳар хил кимё саноати маҳсулотлари етиширадилар, хизматларни бажарадилар. Улар даставвал натура шаклида ҳисобга олинади, кейин ҳар хил талабларни қондириш мақсадида сотилади, айирбошланади ҳамда истеъмол учун ишлатилади. Бу жараёнда етиширилган маҳсулот, хизматларнинг қиймати пул-товар муносабатлари ёрдамида аниқланади.

Маълумки, ялпи маҳсулотнинг қиймати буюмлашган (С) ҳамда жонли меҳнат (В) харажатларидан, шунингдек, қышимча қийматидан (м) ташкил топади. Ялпи маҳсулот қийматидан ишлаб чиқариш жараёнида ишлатилган моддий воситаларнинг қиймати ҳамда эскириш сўммаси (С) айрилиши натижасида тармоқнинг, корхонанинг ялпи даромади ёки янгитдан яратилган қиймат аниқланади (Вқм). У тармоқ миқёсида ялпи ички маҳсулот ёки миллий даромад деб аталади. Маҳсулотларни сотиш, хизматлар кырсатиш натижасида хўжаликнинг банклардаги жорий ва валюта счетларига кассасига келиб тушадиган маблағлар унинг пул тушумлари (даромадлари) ни ташкил этади. Шу пул тушумларидан сотилган маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш харажатларини айриш натижасида корхонанинг ялпи фойдаси аниқланади. Ялпи фойда суммасидан давр харажатлари, солиқлар, тўловлар, жарима ва пения сўммалари айрилиши натижада соф фойда аниқланади.

Хўжаликлар ялпи маҳсулот миқдорини сифатини таъминлаган ҳолда кўпайтиришга эришсалар, ялпи даромад, ялпи ва соф фойда суммалари кыпайиши мумкин. Бу ҳол, ўз навбатида, корхона ишчи-хизматчиларини моддий рағбатлантириш учун қўшимча имкониятлар яратади, уларнинг иш ҳақларини ошириш ҳамда мукофотлаш учун ҳам, маҳаллий ва давлат бюджетига ҳам ва ниҳоят, корхона ишлаб чиқаришини кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш заминида ривожлантириш учун ҳам кўпроқ маблағ ажратилади.

Натижада ишлаб чиқаришга янги техникалар, самарали технологияларни жорий этиш таъминланади. Бу ҳол меҳнат ҳарактерини ўзгартириб, унумдорлиги ошишини таъминлайди.

Демак, юқоридаги иқтисодий категориялар салмғи ва қийматининг ўсиши корхонанинг ҳам, давлатнинг ҳам иқтисодиёти, самарадорлик юксалиши негизидир. Шунинг учун бу масалага республикамизда алоҳида эътибор берилмоқда. Республика Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига мувофиқ кимё саноатимаҳслотларининг харид баҳолари имконият доирасида оширилмоқда, тижорат банкларидан олинаётган кредитларнинг тўлаш муддатлари айrim вақтларда бироз кечиктирилмоқда, қишлоқ хўжалиги корхоналарига кредит олишда, солиқлар тўлашда имтиёзлар яратилмоқда, чет эл инвестицияларини жалб этишда ёрдам кўрсатилмоқда. Буларнинг ҳаммаси корхоналар фаолиятининг иқтисодий самарадорлиги юксалишини таъминлайди. Бунинг учун корхоналар ыз фаолиятлари билан боғлиқ бўлган ҳуқуқий, ташкилий, технологик ҳамда иқтисодий тадбирларни вақтида, сифатли ўтказишлари зарур.

Иқтисод фанларида «самарадорлик» ва «иқтисодий самарадорлик» тушунчалари мавжуд. Улар мамлакат, тармоқ, корхона, йўналишлар ҳамда айrim маҳсулотлар бўйича аниқланиши мумкин. «Иқтисодий самарадорлик» тушунчаси «самарадорлик» тушунчасига нисбатан кенгроқ мазмунга эга. Иқтисодий самарадорлик деганда бир йил давомида (маълум даврда) амалга оширилган тадбирлар тизими билан боғлиқ былган харажатлар улар натижасида олинган соф фойда суммаси билан таққосланади. Шунда сарфланган харажатлар эвазигав олинган соф фойда суммаси қанча кып былса, иқтисодий самарадорлик даражаси шунча ошган ҳисобланади ва аксинча. Самарадорликни эса у ёки бу тадбирларни, ишларни маҳсулотларни этишириш натижасида эришилган ютуқлар ифодалайди. Масалан, маҳаллий ва минерал ы়итлардан, ем-хашаклардан фойдаланиш натижасида ҳосилдорликнинг ошиши ва бошқалар. Демак, «самарадорлик» ҳамда «иқтисодий самарадорлик» категориялари бир-бирлари билан боғлиқ бўлган

энг муҳим кўрсаткичлар ҳисобланади. Уларни юксалтириш учун корхоналар барча масалаларни ижобий ҳал этишлари лозим. Корхоналар фаолиятининг самарадорлиги ошса, мамлакатимизнинг иқтисодиёти, ҳалқимизнинг турмуш даражаси юксалади.

13.2. Даромадни, фойдани, иқтисодий самарадорликни аниқлаш тартиби

Кимё саноати корхоналарининг пул ва ялпи даромадлари, ялпи ҳамда соғ фойда суммаларини, ишлаб чиқариш фаолиятининг рентабеллигини аниқлаш алоҳида аҳамият касб этади. Чунки шу кўрсаткичлар ёрдамида корхоналар фаолияти молиявий таҳлил қилинади. Улар билан мамлакат ҳамда корхона иқтисоди бевосита боғлиқ. Уларни аниқлашда бир қанча маълумотлардан фойдаланилади. Корхонанинг маълум бир даврдаги пул даромади (тушумлари) жами сотилган маҳсулотлар, хизматлар миқдорини уларнинг ҳақиқий баҳоларига қыпайтириш натижасида аниқланади. Унда ушбу формуладан фойдаланиш мумкин:

$$Пд = См \times Мб$$

Бунда: Пд – пул даромади (сўмда);

См – сотилган маҳсулотлар, хизматлар миқдори (тонна, цент.);

Мб – сотилган маҳсулотларнинг, қилинган хизматларнинг баҳолари, тарифлари.

Корхонанинг ялпи даромади ёки янгитдан яратилган қиймат сўммасини ялпи маҳсулот қийматидан ишлатилган асосий воситаларнинг эскирган қийматини, яъни амортизация суммасини (С) айриши натижасида аниқлаш мумкин. Унинг формуласи қуйидагича:

$$(C + V + m) - C = V + m$$

Бунда: С – асосий воситаларнинг амортизацияси суммаси, сымда;

В – иш ҳаки фонди, сўмда;

м - қўшимча қиймат, сўмда.

Корхонанинг ялпи фойдаси маҳсуют сотиш(хизмат кырсатиш)дан тушган пул даромадалридан шу маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун сарфланган харажатларни айриш натижасида аниқланади. Уни қуйидаги формула ёрдамида аниқлаш мумкин:

$$Я\phi = C_Д - C_Т$$

Бунда: Я ϕ – ялпи фойда, сўмда;
 С $Д$ – маҳсулот сотишидан, иш, хизмат кырсатишдан тушган пул, сымда;
 С $Т$ – сотилган маҳсулот учун сарфланган ишлаб чиқариш харажатлари, сўмда.

Корхонанинг соф фойдаси ялпи фойда суммасидан давр харажатлари, кызда тутилмаган харажатлар, молиявий харажатлар суммасини айриш натижасида аниқланади. Буни ушбу тенглик ёрдамида аниқлаш мумкин:

$$С\phi = Я\phi - (Дx + Mx + Kx)$$

Бунда: С ϕ – соф фойда суммаси;
 Д x – давр харажатлари, сўмда;
 М x – молиявий харажатлар суммаси, сўмда;
 К x – кўзда тутилмаган тасодифий харажатлар, сымда.

Корхона ишлаб чиқариш жараёнининг иқтисодий самарадорлигини ифодаловчи кырсаткич рентабеллик ҳисобланади. Унинг даражасини аниқлаш учун соф фойда суммасини таннарх ёки ишлаб чиқариш харажатлари суммасига тақсимлаб, 100% га кыпайтирилади. Унинг тенглиги қуйидагича:

$$P_Д = \frac{C\phi}{C_Т} \times 100\%$$

Бунда: Р $Д$ – рентабеллик даражаси, фоизда.

Бу кўрсаткич ёрдамида корхона, тармоқ миқёсида алоҳида маҳсулотларни етиштириш учун қилинган ишлаб чиқариш харажатларининг иқтисодий самарадорлик даражаси аниқланади. Шу усул ёрдамида 1 сўмлик ишлаб чиқариш харажатлари эвазига олинган соф фойда суммаси аниқланади. Бунинг учун олинган соф фойда суммаси ишлаб чиқариш харажатларига

тақсимланиши лозим. Бу кўрсаткичлар даражаси қанчалик юқори бўлса, бу иқтисодий самарадорлик даражаси ҳам юқори, яъни яхши эканлигидан далолат беради.

Корхона фаолиятининг рентабеллик меъёри, умумий иқтисодий самарадорлиги ҳам аникланиши мумкин. Бунда ишлаб чиқаришда қатнашадиган ерларнинг ҳам, асосий воситаларнинг ҳам қийматлари ҳисобга олиниши мақсадга мувофиқдир. Ернинг қиймати эса кимё саноатиерлари қийматини аниклаш быйича ишлаб чиқилган услубий қылланма ёрдамида аникланади. Бунда рентабеллик меъёри ушбу тенглик ёрдамида аникланиши мумкин:

$$P_H = \frac{C\phi}{A\phi + (Ac\phi \cdot E_k) + E_k} \times 100\%$$

Бунда: Рн – рентабеллик меъёри, фоизда;

Аиф – айланма фондларнинг ыртacha йиллик қиймати, сымда;

Асф – асосий фондарнинг ыртacha йиллик қиймати, сымда;

Ек – асосий фондларнинг иқтисодий самарадорлик коэффициенти (0,12);

Еқ - ернинг қиймати, сымда.

Бу кырсаткич ёрдамида корхона ихтиёридаги барча ишлаб чиқариш ресурсларидан иқтисодий жиҳатдан самарали фойдалангандик даражаси аникланади.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Халқаро стандартларга мувофиқ бўлган озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқишида, сифатни бошқариш масалаларида чет давлатларнинг тажрибаси ўрганилди ва «сифат тўгараклари» каби тузилманинг фаолиятига баҳо берилди. Бу тўгараклар корхонада сифатга мойиллик мұхитини яратувчи бирламчи манба, уларни тузиш ихтиёрий, хеч қандай маъмурий жавобгарликни назарда тутмаса ҳам, самараси жиҳатидан бўлинмадан устунлиги аниқланди. Демак тўгаракларнинг Ўзбекистонда ҳам ташкил қилиниши масаласи ижобий натижалар бериши табиий.

Халқаро стандартлар давлатлараро муносабатларда жаҳон миқъёсида фойдаланиш мумкин бўлган универсал восита бўлиб қолмоқда ва иқтисодий ривожланишнинг «ҳаракатлантирувчи кучи» деб тан олинмоқда, ушбу соҳадаги изланишлар узлуксиз давом этмоқда ва сифатни бошқариш усулларининг янги турлари ўйлаб чиқарилмоқда. Ўзбекистоннинг ушбу жараёнлардан четланиб қолмаслигининг бирдан-бир йўли – илмий-изланишлар натижасида бизга қулайларини танлаб олиш ва жорий қилишдир.

Буюк Британияда тадқиқотлар олиб борувчи “Salford University Business Service” агентлиги томонидан Европа Иттифоқининг сифат менежменти тизими сертификатлаштирилган корхоналарида сўров ўтказилган ва Интернет сахифаларида эълон қилинган натижалар қуидагиларни кўрсатди: 89% корхоналарда ишлаб чиқариш самарадорлиги ортган; 74% корхоналарда товар таннархи пасайган; 87% корхоналарда инвестицион шароит яхшиланганлиги ва рекламасида сертификатга эга эканлигини кўрсатгани боис четдан сармоя кириб кела бошлаган. Халқаро стандартлар асосида озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқиши халқимизни сифатли маҳсулотга бўлган эҳтиёжини қондиришдан иборатдир.

Корхоналарнинг иқтисодий фаолияти ривожланиши ва бошқаруви тизимини такомиллаштиришда халқаро стандартларининг тутган ўрнини баҳолаш,

мавжуд муаммоларни аниқлаш, уларни ҳал этиш юзасидан амалий таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишидан иборат.

Ушбу мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифалар белгилаб олинди:

- иқтисодий фаолиятда стандартлаштириш ва сифатнинг бир-бирига боғлиқлик даражасини аниқлаш;
- сифат менежментининг моҳиятини ва имкониятларини таҳлил қилиш;
- республика корхоналарида сифатни бошқариш тизимини жорий қилишнинг амалдаги ҳолатига баҳо бериш ва ривожланиш истиқболларини ўрганиш;
- маҳсулотларни ва сифатни бошқариш тизимларини стандартларга мувофиқлигини тасдиқлаш (сертификатлаштириш) тизимидағи мавжуд муаммоларни ўрганиш;
- сифат менежментини тадбиқ этишни такомиллаштиришга оид амалий таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиши.

Корхонанинг умумий бошқарувини сифатни бошқарувидан алоҳида ажратиб кўриб чиқилаётгани сифат тизимларига нисбатан ишончсизликдан ва тўлиқ билимларга эга бўлмаслиқдан келиб чиқмоқда.

Корхоналар раҳбариятининг ҳар бир ишчини тизимга нисбатан муносабатини ва масъулиятини шакллантири, ҳамда жавобгарлигини белгиламаслик ҳоллари оқибатда тизимга нисбатан аҳамиятсизликни олиб келмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиқсан ҳолда қуйидагиларни таклиф қиласман:

1. Республикамиз кархоналаридаги асбоб ускуналарни (асосий фонд) ҳалқаро стандартларга жавоб берадиган ускуналарни жалб этиш, ҳамда ахборот воситалари орқали сифатни бошқариш тизимларининг кенг ёритилиши ушбу масалага аҳолининг кенг қатламини жалб қилиб, ижтимоий фикрга айланади ва фақатгина ишлаб чиқарувчида эмас, балки истеъмолчида ҳам сифат тизимлари жорий қилинган корхоналарга нисбатан ишонч пайдо бўлишига олиб келади. Бундан ташқари республикамизда сертификатга эга бўлган корхоналарни ахборот тизимлари, тақдимотлар орқали чет

давлатларнинг эътиборига ҳавола қилишни йўлга қўйиш керак.

2. Кейинги йилларда кичик ва хусусий тадбиркорлик соҳасига кўрсатилаётган банк хизматлари орасида кенг тарқалаётган «микрокредитлаш» турида кредитнинг сифатни бошқариш тизимини жорий қилиш учун ҳам берилишини ташкил қилиш корхоналарнинг айланма маблағларини тизимни жорий қилишга жалб қиласдан корхонани ривожлантиришга сарф қилишига шароит яратиб беради.

3. Сифат тизимларининг жорий қилинишида маслаҳат хизматлари кўрсатувчи консалтинг компанияларининг кўпайиши ва ривожланиши учун имтиёзли шароитлар яратиб бериш мақсадга мувофиқ, бунинг оқибатда улар хизмат харажатларининг камайишига ва корхоналар томонидан кўпроқ жалб қилинишига олиб келади.

4. Ўзбекистон ҳудудида озиқ-овқат маҳсулотларининг сифатини оширишга қаратилган стандартларни, ишчиларнинг соғлигини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлашга қаратилган стандартларни кенг жорий қилишга киришиш ва ушбу соҳаларда ҳам имтиёзлар яратиш мақсадга мувофиқ, чунки дунё бозорида нафақат маҳсулотнинг сифатига, балки ташқи муҳитни бошқариш, ишчиларнинг хавфсизлигини таъминлашга сертификати бор корхоналарнинг нуфузи ошиб бормоқда ва улар бошқа корхоналарни сиқиб чиқармоқда.

5. Сифат тизимлари ва корхоналарнинг сифат менежменти масалаларидаги машхур асарларнинг ўзбек тилида чоп этилишини ташкил қилиш ушбу соҳада тадқиқот ишларини олиб борувчи маҳалий олимлар етишиб чиқишига кўмаклашади.

6. Корхоналар, консалтинг компаниялари, сертификатлаштирувчи идоралар ва «Ўзстандарт» агентлиги иштирокида «сифат тўгараклари», «сифат клублари» ташкил қилиниши мавжуд муаммоларнинг тезроқ ва сифатлироқ ечилишига, ушбу соҳа вакилларининг бир-бирига яқинлашишига олиб келади.

7. Корхоналар юқори лавозимли ходимларининг чет элларга хизмат

сафарлари давомида сифатни бошқариш тизимлари ҳамда халқаростандартлар асосида маҳсулотлар ишлаб чиқиш, жорий қилинган корхоналарга ташриф буюриш ва тажриба орттиришларини иш режасига мажбурий киритиш ва хизмат сафари хақидаги хисоботларида ушбу масалани ёритиш ҳамда ўз корхонасида амалга ошириш тўғрисида таклиф тайёрлашни кенг жорий қилиш. Бу эса ўз навбатида ишлаб чиқаришни янги, замонавий техник воситалар билан жихозлашни юқори даражада автоматлаштирилган, янги бошқарув тизимларидан фойдаланиладиган услубларни қўллашни талаб қиласди. Юқоридаги масалаларни тўғри ҳал қиласдиган йўл-бу технологик жараёнларни оптимал бошқаришда замонавий дастурларни қўллашдир.

Озиқ-овқат саноатининг технологик жараёнлари уларда содир буладиган ходисаларнинг жуда мураккаблиги билан ифодаланади ва хар бир технологик жараёни турли хил умумий жараёнларини йигиндисидан иборатдир. Реал жараёнларни катъий умумий жараёнларга ажратиш ва уларнинг гурухлар бўйича автоматлаштирилишини қараб чиқиш қийин. Шунинг учун умумий технологик жараёнларни уларга кирувчи локал автоматлаштириш объектлари нуткаи назаридан қараб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Бунда локал автоматлаштириш объектлари деганда улар учун технологик параметрларни автоматик улчаш, назорат килиш, ростлаш локал системалари ишлаб чиқиладиган объектлар тушинилади. Амалда хар бир технологик жараёнда шундай локал автоматлаштириш объектларининг маълум йигиндиси мавжуд булади. Ҳар бир типовий объект учун битта ёки бир нечта автоматлаштириш системасининг вариантларини яратиш мумкин.

Битирув малакавий ишида халқаро стандартларга мувофиқ бўлган озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқиш, қўллаш оркали маҳсулотлар сифатини бошқариш масалалари кўриб чиқилди.

.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

И.Китоблар ва рисолалар

1. Ш.М.Мирзиёев “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик –ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак” Ўзбекистон,2017-йил.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. Т. Ўзбекистон, 1996 й.
3. П. Р. Исматуллаев, А. Н. Мақсудов, А. Х. Абдуллаев, Б. М. Ахмедов, А. А. Аъзамов. Метрология стандартлаштириш ва сертификатлаштириш. “Ўзбекистон” Тошкент 2001й.
4. O’zDSt 5.0-92. Ўзбекистон Республикаси миллий сертификатлаш тизими. Асосий қоидалар.
5. 3.ИСО 9000-1-94. Стандарти по общему руководству качеством и обеспечению качества.
6. 4.Озиқ овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси қонуни.
7. ГОСТ 31036-2002 Руководство по хранению в холодильных камерах.
8. Абдувалиев А.А., Латипов В.Б., Умаров А.С. Алимов М.Н., Хакимов О.Ш.,Хван В.И. Стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш, сифат. – Тошкент: СМСИТИ, 2008
9. “Метрология ҳақида Ўзбекистон республикаси қонуни “1993-йил
10. Стандартлаштириш Тошкент молия институти молиявий менежмент факултети “менежмент ва маркетинг” кафедраси “сифат менежменти” фанидан маъruzалар матни. Тошкент-2012
- 13.Саматов А.А Стандартлаштириш – хавфсиз ва сифатли маҳсулот гарови “ЎЗСТАНДАРТ” агентлиги илмий-техника журнали 2017 йил 1-сон.

II. Қонунлар ва бошқа хуқуқий сиёсий ҳужжатлар

1. Ўзбекистон Республикасининг «Истеъмолчилар хуқуқларини ҳимоялаш тўғрисида»ги қонуни;
2. Ўзбекистон Республикасининг «Озиқ-овқат маҳсулотларини сифати ва хавфсизлиги тўғрисида»ги қонуни;
3. Ўзбекистон Республикасининг «Метрология тўғрисида»ги қонуни;
4. Ўзбекистон Республикасининг «Маҳсулот ва хизматларни сертификатлашлаштириш тўғрисида»ги қонуни;
5. Мақсадов А.Н., Исматуллаев П.Р., Абдуллаев А.Х., Ахмедов Б.М. ва Аъзамов А.А. Метрология стандартлаштириш ва сертификатлаштириш. Дарслиги, Тошкент-2000 й.

Интернет манбалари

1. <http://www.wto.org>
2. <http://www.iso.ch>
3. <http://www.eoq.org>
4. <http://www.iso9000.ru>
5. <http://tqmservice.ru>
6. <http://www.gost.ru>
7. <http://www.standart.uz>
8. <http://www.easc.org.by>
9. <http://www.iaf.org>
10. <http://www.cia.org>
11. <http://www.MGC.org>